Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ / Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan / www.uzas.uz / 2017-yil 22-sentyabr №39 (4437)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 72-СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

(Нью-Йорк шаҳри, 2017 йил 19 сентябрь)

Муҳтарам Раис!
Жаноби Олийлари!
Хонимлар ва жаноблар!

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбаридан нутқ сўзлаш имконияти яратилгани учун самимий миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Бизнинг халқимиз бундан бир неча ҳафта олдин ўз давлат мустақиллигининг 26 йиллигини кенг нишонлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон жадал ривожланмоқда. Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, теран англаган ҳолда, қатъий ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз.

Жамиятимизда сиёсий фаоллик ортиб бормоқда, барча соҳаларда чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Улардан кўзланган мақсад – «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган оддий ва аниқ-равшан тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат.

Умумхалқ муҳокамасидан сўнг беш йилга мўлжалланган Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси қабул қилинди. Бу стратегияни ишлаб чиқишда биз ўзимизга четдан назар ташлаб, салоҳият ва имкониятимизни холис баҳолаш билан бирга, хато ва камчиликларимизни ҳам атрофлича танқидий таҳлил қилдик.

Стратегия – бу янгиланиш жараёнларининг ҳақиқий ҳаракатлар дастуридир. Бу ҳужжат ҳозирги вақтда ҳаётга изчил жорий этилмоқда.

2017 йил мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинди.

Бизнинг мақсадимиз – юртимизда халқ ҳокимиятини номига эмас, балки амалда жорий қилиш механизмларини мустаҳкамлашдан иборат.

Ишончимиз комил: халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Президентнинг Виртуал ва Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Ҳозирги кунга қадар бир миллиондан ортиқ фуқароларимиз бу қабулхоналар орқали ўзларининг долзарб муаммоларини ҳал қилди.

Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича таъсирчан чоралар кўрилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари жаноб Ал-Ҳусайннинг ташрифи якунлари бўйича инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш юзасидан чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Одамларнинг эркин ҳаракат қилишини чеклайдиган хорижга чиқиш визалари сингари умрини мутлақо ўтаб бўлган ўтмиш қолдиқлари бекор қилинди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича миллий ва халқаро нодавлат ташкилотлар билан очиқ мулоқотимиз фаоллашиб бормоқда.

Инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиқиб, шахсни қамоқда сақлаш билан боғлиқ кўплаб қонунлар қайта кўриб чиқилди.

Экстремизм ғоялари таъсирига тушиб қолган, тўғри йўлдан адашган фуқаролар ижтимоий реабилитация қилинмоқда, уларни соғлом ҳаётга қайтариш учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Эндиликда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти парламент ва фуқаролар томонидан доимий назорат қилиб борилмоқда.

Мамлакатимизда сиёсий партиялар, фуқаролик жамиятининг роли ортиб бормоқда, суд органларининг чинакам мустақиллиги таъминланмоқда.

Оммавий ахборот воситаларининг ўрни сезиларли даражада ортиб бормоқда.

Иқтисодиёт тизимини либераллаштириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш амалга оширилаётган ўзгаришларнинг энг муҳим йўналишларидир.

Биз оддий бир ҳақиқатдан келиб чиқмоқдамиз: халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади.

Ўзбекистон шу ойнинг бошидан миллий валютани эркин конвертация қилиш тизимига тўлиқ ўтди. Бу борада аҳоли учун юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларни юмшатиш бўйича барча зарур чоралар кўрилди.

Мамлакатимизда илк бор тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Омбудсман институти жорий этилди. Бизнес соҳасидаги солиқлар сезиларли равишда қисқартирилди, кредит олиш имкониятлари кенгайтирилди.

Янги эркин иқтисодий зоналар ташкил этилди, уларда инвесторларга кенг имтиёзлар яратиб берилди.

Халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлик муваффақиятли ривожланмоқда, биз Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан шериклик алоқаларини янгитдан тикладик.

Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан тўла ҳамоҳанг эканини таъкидлашни истардим.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Биз қатъий ишонамиз, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бундан кейин ҳам халқаро муносабатларда ҳал қилувчи ўрин тутади.

Ўзбекистон ушбу ташкилотнинг босқичма-босқич ислоҳ этилиши тарафдоридир. Биз Хавфсизлик Кенгашини бугунги кун талабларига мос равишда кенгайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг янги раҳбарияти томонидан ташкилотни бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни қўллаб-қувватлаймиз.

Ишонтириб айтмоқчиман, Ўзбекистон БМТнинг тузилмалари билан ҳамкорликни бундан кейин ҳам изчил давом эттиради.

Биз жаноб Бош котиб Антониу Гутерришнинг яқинда Ўзбекистонга ташрифи якунлари бўйича ишлаб чиқилган «йўл харитаси»нинг амалий ижросини таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўрамиз.

Хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистон бугунги кунда ўзининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратмоқда. Бу – ҳар томонлама чуқур ўйлаб танланган йўлдир.

Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдордир.

Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё – биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир.

Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир.

Биз Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳеч истисносиз барча масалалар бўйича оқилона муроса асосида ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли кейинги ойларда минтақамизда сиёсий ишонч даражаси сезиларли даражада ошди. Кўплаб масалалар бўйича принципиал жиҳатдан муҳим ечимлар топишга эришилди.

Сентябрь ойининг бошида Ўзбекистон – Қирғизистон давлат чегаралари тўғрисидаги шартнома имзоланиши том маънода муҳим воқеа бўлди.

Томонлар ўз сиёсий иродасини, ўзаро мақбул қарорлар қабул қилишга тайёр эканини намоён этгани туфайли ўтган йигирма олти йил давомида биринчи марта ушбу ғоят нозик масала бўйича катта натижага эришилди.

Бир сўз билан айтганда, ўтган қисқа вақт мобайнида минтақада мутлақо янги сиёсий муҳит яратишга эришилди.

Бу тенденциянинг мустаҳкамланиши Марказий Осиё давлатлари Президентлари мунтазам учрашувлар ўтказиши учун имконият яратган бўлур эди, деб ҳисоблайман.

Биз ноябрь ойида Самарқандда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида ўтказиладиган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги юқори даражадаги халқаро анжуманда минтақадаги фундаментал муаммоларни муҳокама қилишни режалаштирганмиз.

Ушбу анжуман якунида биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Марказий Осиё давлатларининг хавфсизликни таъминлаш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга доир махсус резолюциясини қабул қилиш таклифини киритишни мўлжаллаганмиз.

Бу таклифни БМТ раҳбарияти ва халқаро ҳамжамият қўллаб-қувватлайди, деб ишонамиз.

Муҳтарам Раис жаноблари!

Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар тўғрисида сўз юритар эканмиз, минтақанинг умумий сув захираларидан оқилона фойдаланиш каби муҳим масалани четлаб ўтолмаймиз.

БМТ Бош котибининг «сув, тинчлик ва хавфсизлик муаммолари ўзаро чамбарчас боғлиқ», деган позициясини тўла қўллаб-қувватлаймиз.

Ишончим комил, сув муаммосини ҳал қилишнинг минтақа мамлакатлари ва халқлари манфаатларини тенг ҳисобга олишдан бошқа оқилона йўли йўқ.

Ўзбекистон БМТнинг превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази томонидан ишлаб чиқилган Амударё ва Сирдарё ҳавзалари сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги конвенциялар лойиҳаларини қўллаб-қувватлайди.

Бугунги кунннинг энг ўткир экологик муаммоларидан бири – Орол ҳалокатига яна бир бор эътиборингизни қаратмоқчиман.

Мана, менинг қўлимда – Орол фожиаси акс эттирилган харита. Ўйлайманки, бунга ортиқча изоҳга ҳожат йўқ.

Денгизнинг қуриши билан боғлиқ оқибатларни бартараф этиш халқаро миқёсдаги саъй-ҳаракатларни фаол бирлаштиришни тақозо этмоқда.

Биз БМТ томонидан Орол фожиасидан жабр кўрган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш бўйича шу йил қабул қилинган махсус дастур тўлиқ амалга оширилиши тарафдоримиз.

Хонимлар ва жаноблар!

Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш нафақат минтақавий, балки глобал хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шарти бўлиб қолади.

Аминмизки, Афғонистонда тинчликка эришишнинг ягона йўли – марказий ҳукумат ва мамлакат ичидаги асосий сиёсий кучлар ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқот олиб боришдир.

Музокаралар афғонистонликларнинг ўзлари ҳал қилувчи ўрин тутадиган ҳолда, Афғонистон ҳудудида ва БМТ шафелигида ўтиши лозим. Донишманд афғон халқи ўз тақдирини ўзи мустақил ҳал қилишга ҳақлидир.

АҚШ Президенти жаноб Дональд Трамп маъмуриятининг Афғонистон билан қўшни мамлакатларни афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилишга кўмаклашишга оид даъватини қўллаб-қувватлаймиз.

Ўзбекистон Афғонистоннинг иқтисодий тикланишига, унинг транспорт ва энергетика инфратузилмасини ривожлантиришга, миллий кадрларини тайёрлашга катта ҳисса қўшмоқда ва бундан кейин ҳам ҳисса қўшади.

Афғонистон масаласи глобал миқёсдаги масалалар марказида бўлиши лозим. Халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатлари, биринчи навбатда, Афғонистондаги ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга қаратилиши керак.

Бу жафокаш юртда тинчлик ўрнатишга кўмаклашиш йўлидаги бизнинг умумий қатъий ҳаракатларимиз асло сусаймаслиги лозим.

Ҳурматли сессия иштирокчилари!

Дунёда терроризм таҳдидлари айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани уларга қарши асосан куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганидан далолат беради.

Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда. Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва муросасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман.

Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир.

Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда.

Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда.

Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ.

Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси «вируси» тарқалишининг олдини олишдир.

Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шу муносабат билан Ўзбекистон глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф этади.

Бизнинг назаримизда, мазкур ҳужжатни имзолайдиган давлатлар ушбу соҳани ўз ижтимоий сиёсатининг асосий ва муҳим ҳаётий устувор йўналишларидан бири даражасига кўтариш бўйича қатъий мажбуриятларни ўз зиммасига олиши керак.

Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз.

Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон мурosa қила олмаймиз.

Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади.

Марказий Осиё Уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намояндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этмоқчиман.

Ана шундай буюк алломалардан бири Имом Бухорий ўз аҳамиятига кўра ислом динида Қуръони каримдан кейинги муқаддас китоб ҳисобланган «Саҳиҳи Бухорий»нинг муаллифи сифатида бутун дунёда тан олинган.

Бу улуғ зотнинг ғоят бой меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш, маърифатий ислом тўғрисидаги таълимотини кенг ёйиш мақсадида биз Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдик.

Тошкентда ташкил этилаётган Ислом цивилизацияси марказининг фаолияти ҳам шу мақсадга хизмат қилади.

Бугунги сессия иштирокчиларига БМТ Бош Ассамблеясининг «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи билан мурожаат қилмоқчиман.

Бу ҳужжатнинг асосий мақсади – барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат.

Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилган.

Хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистон ҳеч қандай блокка қўшилмаслик мақомини сақлаб қолган ҳолда, очиқ мулоқотга тайёрдир. Биз барча шерикларимиз билан тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик йўлида ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдормиз.

Биз мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади инсон, унинг эҳтиёж ва манфаатларини таъминлашдан иборат бўлган энг муҳим устувор вазифаларни муваффақиятли амалга оширишнинг ҳал қилувчи шарти айнан шунда мужассам, деб биламиз.

Эътиборингиз учун раҳмат.

УМУМБАШАРИЙ ТАКЛИФЛАР

Чиндан ҳам, АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида жойлашган Бирлашган Миллатлар Ташкилотини олам минбари дегулик. Унда олам тақдирига боғлиқ, ёки бошқача айтганда, оламшумул масалалар кўриб чиқилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи ўзининг кўлами, теран мулоҳазаларга бойлиги билан ана шундай юксак баҳога муносибдир. Самимий ва ҳаётий чиққан бу сермазмун нутқ ҳаммани тўлқинлантириб юборди. Унда бугунги глобал дунёда ҳал қилинишини кечиктириб бўлмайдиган, нафақат Ўзбекистонга, балки бутун дунёга тааллуқли ҳаётий муаммолар ҳақида сўз боради.

Муносабат

Ҳа, Ўзбекистон раҳбари олам минбарида туриб, халқимизнинг узоқ тарихига боқиб, зукко ва донишманд боболар анъаналари ҳамда тажрибаларига таяниб, мамлакатнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан дадил борилаётгани ҳақида сўз айтмоқда... Янги Ўзбекистонни оламга таништирмоқда.

Тасаввур қиламан: 2017 йил "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб номланганини, Президентнинг Виртуал ва Халқ қабулхоналари ташкил этилганини эшитган ассамблея иштирокчилари(барчаси давлат раҳбарлари) халқ билан алоқа қилишнинг янгича йўли кашф этилганини туйганларига шубҳа йўқ. "Ишончимиз комилки, халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак", деган сўзлар кўплар кўнглига шундай йўл тутиш лозим экан, деган ниятни солган бўлса ажаб эмас. Мамлакатда олиб борилаётган янгиланиш ва ислоҳотлар ҳақида гапириб: "Биз оддий бир ҳақиқатдан келиб чиқмоқдамиз, халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади", дейди Президентимиз. Бу "оддий бир ҳақиқат" тагида жуда кучли ҳаётий мантиқ мужассамдир.

Давоми иккинчи саҳифада.

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК БАЙРАМИ

Ўзбекистон ва жаҳон

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва Россия давлатлари ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик алоқаларида сезиларли ютуқлар қўлга киритилди. Бу борада ҳар икки мамлакат халқлари ўртасида маданият ва санъат соҳасидаги алоқаларнинг алоҳида ўрни бор. Куни кеча Россия пойтахти Москва шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон маданияти кунлари бунинг ёрқин исботи бўлди.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан ўтказилган ушбу тадбир давлат Кремль саройида ўзбекистонлик санъат усталарининг ҳашаматли концерт дастури билан очилди.

— Бундай катта жамоа билан Москвага анчадан буён келмагандик, — деди Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев. — Кейинги 25 йил ичида бундай юксак даражадаги тадбирда биринчи марта қатнашяпмиз. Биз Москвага фақат концерт дастури ва "Ўзбекистон мероси жаҳон музейларида" номли тақдимот лойиҳасини эмас, она еримизнинг иссиқ тафтини, халқимизнинг очиқ қалбини, ранг-баранг маданиятимизни, дунёқарашимизни ҳам олиб келдик. Маданият соҳасида, жумладан, тарихий мерос ва маданиятлар ранг-баранглиги, халқларимиз маданиятининг ўзаро бойиши учун муҳим бўлган маданий ўзига хосликни сақлаган ҳолда замонавий санъатнинг ривожланиши каби йўналишларда мамлакатларимизнинг умумий ютуқ ва муаммолари ҳам мавжуд.

Давоми бешинчи саҳифада.

БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Шеърият кенгаши томонидан "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"га бағишланган **"ХАЛҚ ИЧИГА БОРАЙЛИК"** номли шеърлар тўплами нашрга тайёрланмоқда. Халқимиз ва миллатимиз бадиий тавсиф этилган, инсоннинг улуғворлиги ифодаланган, мамлакатимизда жорий йилда эл-юрт фаровонлиги ва инсон манфаатларининг юксалиши борасида амалга оширилган ишлар бадиий маҳорат билан тасвирланган янги шеърларнинг ёзма ва электрон нусхаси шу йилнинг 10 октябригача Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Шеърият кенгашида қабул қилинади ва танлов асосида китобга киритилади.

Танловга марҳамат!

Манзил: Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 16-"А" уй, Ёзувчилар уюшмаси биноси, 5-қават.
Электрон манзил: info@ijod.uz

УМУМБАШАРИЙ ТАКЛИФЛАР

Бошланиши биринчи саҳифада.

Нутқда, беш йилга мўлжалланган Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилгани ва уни умумхалқ муҳокамасига қўйилгандан кейин қабул қилингани ҳақида фикр юритилади. Янгиланиш жараёнларининг ҳақиқий ҳаракат дастурига айланган, ривожланиш йўлларини аниқ белгилаб берган бу муҳим ҳужжат ҳозир жуда эътиборда. Унинг асосида мамлакатда барча соҳаларда чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда, яхши натижалар қўлга киритилмоқда, бу жараён қизғин давом этмоқда. Бу ҳужжатнинг ҳаётий асосга эга эканини, унинг мазмун-моҳияти, муҳтарам Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан тўла ҳамоҳанглиги ҳам тасдиқлаб турибди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида жуда кўп муаммоларни қамраб олади, жумладан, Ўзбекистоннинг олиб бораётган ташқи сиёсатига кенг тўхталади. **“Ўзбекистон бугунги кунда ўзининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратмоқда,** — дейилади нутқда. — **Бу ҳар томонлама чуқур ўйлаб танланган йўлдир. Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдордир. Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир”.**

Изчил олиб борилаётган бундай сиёсат ўз самараларини бермоқда. Хусусан, кейинги ойларда Марказий Осиё давлатлари – Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон давлатлари билан оқилона муроса асосида чин дўстона, яхши қўшничилик алоқалари йўлга қўйилди, ўзаро сиёсий ишонч сезиларли даражада ошди. Қисқа вақт ичида Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари Президентлари етти марта учрашганларига бир эътибор берайлик.

Нутқда кўтарилган ҳар бир муаммо Ўзбекистонгагина эмас, балки бошқа мамлакатларга ҳам тегишли экани ҳақида юқорида айтиб ўтдик. Дарҳақиқат, шундай. Давлатимиз раҳбари Афғонистонда тинчликка эришишнинг бирдан-бир йўли – марказий ҳукумат ва мамлакат ичидаги асосий сиёсий кучлар ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқот олиб боришлиги, донишманд афғон халқи ўз тақдирини ўзи мустақил ҳал қилишга ҳақли эканига алоҳида урғу берди. Айни пайтда, АҚШ Президенти жаноб Дональд Трамп маъмуриятининг Афғонистон билан қўшни мамлакатларни афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилишга кўмаклашишга оид даъватини қўллаб-қувватлашини билдирди. **“Бу жафокаш юртда,** — деди давлатимиз раҳбари, — **тинчлик ўрнатишга кўмаклашиш йўлидаги бизнинг умумий саъй-ҳаракатларимиз асло сусаймаслиги лозим.”**

Нутқни эшитар эканман, бир нарсага эътибор бердим. Қадимда боболаримиз, хусусан, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз фақат ўз салтанатини ўйламасдан, балки бошқа мамлакатлар, бутун жаҳон учун ўзини масъул сезар эди. Шу сабабдан дунёнинг у четида бўлган давлатларга элчилар юборар, савдогарларни жўнатар, вазиятни билиб турар, ўз навбатида хорижликларни қабул қилар эди. Бу масъулият туйғуси, жавобгарлик ҳиссидан келиб чиқадиган инсоний фазилат. Таъбир жоиз бўлса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг нутқида келтирилган дунё ёшлари ҳақидаги куйиниб айтган сўзлари ана шу фазилатни эслатади, дегим келади. Ёшлар тақдири мамлакатимизда доим диққат-эътиборда эканидан хабардормиз. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ташкил этилиши бунга ёрқин мисолдир. Дунё ёшларининг турмуш-тарзи ва фаолиятини таҳлил қилар экан, Президентимиз ўз хавотирини яширмайди, бугунги кунда экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилаётганига, бугунги дунё ёшлари сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлод бўлиб, уларнинг 2 миллиард кишини ташкил этишига диққатни қаратади. **“Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ,** — дейди Президентимиз. — **Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир.”**

Ўзбекистон Президенти шу муносабат билан БМТ Бош ассамблеяси кун тартибига бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат — БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш каби муҳим таклиф киритди. Таклиф асносида, мазкур ҳужжатни имзолайдиган давлатлар ушбу соҳани ўз ижтимоий сиёсатининг асосий ва муҳим ҳаётий устувор йўналишларидан бири даражасига кўтариш бўйича қатъий мажбуриятларни ўз зиммасига олиши кераклигини ҳам таъкидлаб ўтди.

Нутқнинг муҳим жиҳатларидан яна бири, Шавкат Мирзиёевнинг муқаддас ислом динимиз ҳақидаги теран фикрлари бўлди. **“Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа деб ҳисоблаймиз!”,** деган сўзлар янгради олам минбари узра... Жаҳонда турли экстремистик оқимлар томонидан исломга ҳар хил тамғалар ёпиштирилаётган бир пайтда жаранглаган бундай даъватнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Муҳтарам Президентимиз ўз нутқида ислом динининг бизни эзгуликка, тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этишини, Марказий Осиё Уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намояндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этди. Амалий ишлар мисолида Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий тадқиқот марказини, Тошкентда Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш борасида сўз юритди.

Бу марказларни ташкил этиш ҳақидаги Президентимизнинг қарори ўз вақтида бўлганлигини таъкидлаш ўринли. Бунга маънавий ҳаққимиз ҳам бор-да! Имом Бухорий ва ислом маданияти заминида дунёга танилган бошқа алломаларимиз бизларнинг аждодларимиз, жондош ва қондош боболаримиздир. Уларни эслаб, эъзозлаб, савоб ишга қўл урамиз, уларнинг руҳларини бағоят шод этамиз, ўзимизни ҳам маънан ва руҳан бақувват сезамиз. Биз бундай изланишларни яна ҳам давом эттиришимиз керак. Шу маънода, муҳтарам Президентимизнинг шу йил ноябр ойида Самарқандда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида ўтказиладиган **“Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик”** мавзусидаги юқори даражадаги халқаро анжуманда минтақадаги фундаментал муаммоларни муҳокама қилиш режалаштирилгани ҳақидаги сўзлари кишида мамнуният туйғусини уйғотади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи, ҳеч қандай блокка қўшилмаслик мақомини маҳкам сақлаган, очиқ мулоқотга ҳамиша тайёр, янгиланаётган Ўзбекистонни дунё ҳамжамиятида ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллаётганини, келажакни кўзлаб зукколик билан фаолият юритиб келаётган муносиб Раҳбари борлигини дунёга ёрқин намойиш этди.

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

Муносабат

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқи теран таҳлилларга бойлиги, бугунги куннинг энг долзарб муаммоларига жаҳон афкор оммаси эътиборини жалб этгани боис эътибор билан тингланди ва анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Ўйлайманки, тун ярмидан ошганига қарамай бизнинг минтақамизда ҳам жонли эфир орқали тўғридан-тўғри олиб кўрсатилган бу нутқ олимлар ва зиёлилар, талабалар ва ижодкорлар, жуда кўплаб юртдошларимиз томонидан катта ҳаяжон билан тингланди ва муҳокама қилинди.

Президентимиз Ўзбекистон бугунги кунда мамлакатнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бораётганига эътиборни қаратиб, ўзининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият бераётгани ва бу ҳар томонлама чуқур ўйлаб танланган йўл эканлигини алоҳида таъкидлади.

Ўтган қисқа вақт мобайнида минтақамизда мутлақо янги сиёсий муҳит яратишга эришилгани тилга олиниб, бу тенденциянинг мустаҳкамланиши Марказий Осиё давлатлари Президентларининг мунтазам учрашувлар ўтказиши учун кенг имконият яратиши таъкидлангани бежиз эмас. Шу муносабат билан Юртбошимиз ноябр ойида Самарқандда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида **“Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик”** мавзусида юқори даражадаги халқаро анжуман ўтказилиши режалаштирилганига эътиборни жалб этгани айни муддао бўлди. Бу анжуман сўзсиз минтақадаги фундаментал муаммоларни муҳокама қилиш учун ҳам катта йўл очади.

Бинобарин, бизнинг жанубий вилоятимиз ҳудуди билан чегарадош бўлган энг яқин қўшнимиз Афғонистонда барқарор осойишталикни таъминлаш йўлидаги давлатимиз раҳбарининг нуқтаи назари айни халқимиз кўнглидаги фикр-мулоҳазаларнинг ёрқин ифодаси бўлди, дейиш мумкин. Президентимиз афғон муаммосини тилга олар экан: **“Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш нафақат минтақавий, балки глобал хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шарти бўлиб қолади,** – деб таъкидлади. – **Аминмизки, Афғонистонда тинчликка эришишнинг ягона йўли – марказий ҳукумат ва мамлакат ичидаги асосий сиёсий кучлар ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқот олиб боришдир. Музокаралар афғонистонликларнинг ўзлари ҳал қилувчи ўрин тутадиган ҳолда, Афғонистон ҳудудида ва БМТ шафелигида ўтиши лозим”.**

Дарҳақиқат, ҳар бир халқнинг ўз тақдирини ўзи ҳал этишига шароит яратиш ва бунга кўмаклашишни умуминсоний қадриятларимиз тақозо этади. Дунёдаги энг олижаноб инсонлар ва давлатларнинг азму қарори ҳам шудир. Бироқ бу масалага тор манфаат ҳамда ҳавойи иддаолардан келиб чиқиб турлича ёндашадиган кучлар, вазиятни чигаллаштириб, сувни лойқалатишни истовчилар ҳам йўқ эмас. Шу маънода давлатимиз раҳбарининг: **“Донишманд афғон халқи ўз тақдирини ўзи мустақил ҳал қилишга ҳақлидир”,** деб айтган фикр-мулоҳазаларида катта ҳикмат ва буюк ҳақиқат бор. Мана шунинг учун ҳам Ўзбекистон Афғонистонга тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашда, иқтисодий тикланиш, транспорт ва энергетика инфратузилмасини ривожлантириш, миллий кадрларни тайёрлашда бегараз ёрдам қўлини чўзмоқда. Демакки, халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракати ва эътибори, энг аввало, Афғонистондаги ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга қаратилиши керак.

Ўзбекистон афғон диёрида тинчлик ва осойишталик барқарорлиги йўлидаги умумий саъй-ҳаракатларни ҳамиша қўллаб-қувватлайди.

Давлатимиз раҳбарининг БМТнинг превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази томонидан ишлаб чиқилган Амударё ва Сирдарё ҳавзалари сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги конвенциялар лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга доир Ўзбекистоннинг нуқтаи назарини аниқ ифода этгани, шунингдек, бугунги куннинг энг ўткир экологик муаммоларидан бирига айланган Орол денгизининг ҳалокатига яна бир бор жаҳон жамоатчилиги эътиборини қаратгани ҳам ўзининг чуқур ўйлаб танланган йўлидан дадил қадам ташлаётган мамлакатимиз халқлари иродасини тўлатўкис намоён этади.

Абдуқодир ТОШҚУЛОВ,
Термиз давлат университети ректори

ҲАМЖИҲАТЛИККА ДАЪВАТ

Ҳар бир давлатнинг жаҳон миқёсидаги нуфузи унинг ички ва ташқи сиёсатдаги позицияси билан белгиланиши сир эмас. Халқона айтганда, даврада гапириш учун ҳам бутун сўзинг бўлиши керак. Куни кеча Президентимизнинг БМТ Бош ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган ёниқ ва муфассал нутқини тинглаб туриб, Ўзбекистон аталмиш мамлакат дунё саҳнасида яна бир карра алоҳида мавқе ва ҳурмат топганидан беҳад тўлқинландим.

Юртимиз раҳбари БМТнинг юксак минбаридан туриб тилга олган ҳар бир масала, у тинчлик-осойишталикни асраш йўлидаги бирдамлик ҳақида бўладими, Орол таназзули ва унинг фожиали оқибатлари ёки ёнқўшнимиз Афғонистонда давом этаётган маънавий ва иқтисодий инқироз тўғрисида бўладими, буларнинг ҳеч бири иккинчи даражали муаммо эмаслигига аниқ факт ва мисоллар келтириб, сессия иштирокчилари ва бутун дунё сиёсатдонлари эътиборини қаратди.

Ўзбекистон ташаббуси билан кейинги пайтлари Марказий Осиё давлатлари ўртасида янги мазмундаги қўшничилик муносабатлари ўрнатилгани, шу асосда минтақавий муаммолар ҳамжиҳатлик билан ҳал қилина бошлангани, ўзаро манфаатли ва истиқболли шериклик муносабатлари йўлга қўйилаётгани ҳам сессия қатнашчилари диққатини жалб этди.

Бир нарсага эътибор бердим. Халқаро болалар ҳуқуқлари конвенцияси қабул қилинганига 70 йилча вақт бўлди. Орадан шунча йил ўтиб айнан бизнинг Юртбошимиз томонидан Халқаро ёшлар ҳуқуқлари конвенциясини қабул қилиш ҳақида таклиф берилиши Ўзбекистоннинг келажакпарвар ва дунёпарвар давлат эканига ҳаққоний далил бўлди.

Мазкур олий даражали анжуманни кузатиб турган афкор омманинг бугунги кунда Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар – инсон манфаатлари ҳимояси ва фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган кенг кўламли жараёнларга ҳавас билан қарагани ҳамда қўллаб-қувватлагани нутқни тинглаш давомида сезилиб турди. Айниқса, минтақада сувнинг адолатли тақсимоти, хавфсизликни таъминлашнинг устун вазифалари, ёшлар онги ва тафаккурини эҳтиёт қилиш борасидаги ҳароратли сўзлари барчанинг диққат-эътиборини тортганига гувоҳ бўлдик.

Муҳтарам Юртбошимизнинг ушбу маърузаси мамлакатимизнинг тарихий илдизлари бақувват, бугуни фаровон ва тинч, келажаги ёруғ ва аниқ мақсадлар пойдеворига қурилганини яна бир бор исботлади. Ўзбекистон дунё ахлига ҳамиша иродали ва жўяли фикр айтишга қодир юрт эканига барча иқрор бўлди.

Носиржон ЖЎРАЕВ,
“Шарқ” НМАК бош муҳаррири ўринбосари

АДАБ ВА ТАРБИЯ МАНБАИ

Одамзот яратилибдики, доимо комилликка интилиб яшайди. Болаликдан ўз дунёқарашини бойитиб боради. Ҳар бир инсон дастлабки тарбияни, яъни маънавий озиқни оилада ота-онадан олади. Маънавий озиқ олишнинг, чин инсон бўлиб етишишнинг бирдан-бир йўли бу китоб мутолаасидир.

Китоб — инсоннинг энг яқин дўсти ва маслаҳатчиси, фикрлаш қуроли, хазина ва тафаккур калити. Китоб — нондай азиз, мўътабар ва муқаддасдир.

Китоб — бепоён олам: бағрикенг, осмони баланд, туби теран... Донолар таърифича, китоб инсоният тўплаган ҳикматлар хазинаси.

Бугунги кунда юртимизда китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълим муассасаларида бу борада бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг **«Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»**ги фармойишига асосан Тошкент фармацевтика институтида ҳам бир қатор маънавий-маърифий тадбирлар, адабий-бадиий кечалар, турли кўрик-танловлар ташкил этилмоқда. Хусусан, Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур меросини кенг ва атрофлича ўрганиш, уларнинг асарларида улуғланган ғоялар мазмунини халқимиз, айниқса, ёшлар онгига етказиш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди.

Институтда буюк бобокалонларимиз ижодий меросига бағишланган адабий кечалар, маънавият соатлари, маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. «Буюк аждодларни ёд этиб» мавзусида адабиёт, шеърият байрамлари, мушоиралар ўтказилмоқда. Ёзувчи ва шоирлар, маънавият ва адабиёт фидойилари иштирокидаги ушбу тадбирларда Алишер Навоий, Ойбек, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов сингари забардаст ижодкорларнинг ҳаёти, фаолияти, меросининг аҳамияти кенг тушунтирилди.

Шунингдек, навқирон авлод қалбида китобга меҳр уйғотиш, мутолаа маданиятини юксалтириш мақсадида талабалар ўртасида **«Китоб — илм зиёси», «Китобхонлик маданиятини шакллантириш»** мавзуларида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Талабалар ўртасида бадиий китобларга бўлган қизиқишни янада шакллантириш мақсадида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари ўз самарасини бермоқда. Адабий-бадиий кечаларга таниқли сўз усталари, ёзувчи ва шоирларнинг ташриф буюриши ва улар томонидан олиб борилаётган тарғибот ишлари ҳам фойдали бўлмоқда.

Институтнинг ахборот-ресурс маркази томонидан ***«Китобхонлик маданиятини юксалтириш — замонавий етук кадрлар тайёрлашнинг муҳим омили»*** деб номланган сўровнома ўтказилди. Сўровномада 200 нафар талаба иштирок этди, улардан турли таклифлар олинди. Сўровнома таҳлил этилиб, талабаларнинг талаб ва таклифлари ўрганилди. Ўтган йилга нисбатан институт талабалари ўртасида китобхонлик даражаси ошгани маълум бўлди. Ёшларнинг бадиий адабиётга қизиқишларини оширишда нафақат таълим муассасалари, балки оиланинг, маҳалланинг ҳам ўрни борлиги айни ҳақиқат.

Бугун ёшларимизни бадиий адабиётга қизиқтириш орқали улар қалбида миллий ғоямизни янада чуқурроқ сингдиришга эришилмоқда. «Адабиётга эътибор — келажакка, маънавиятга эътибор» шиори остида ўтказилаётган «Китобхонлар байрами» танловининг жорий этилиши иқтидорли ёшларни кашф этиш, улар ўртасида бадиий адабиётга қизиқиш ва эзгу фазилатларни шакллантиришга хизмат қилади.

Ёшлар ўртасида ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришга қаратилган чоратадбирларда “Буюк алломалар ҳаёти ва ижодий фаолияти ватанпарварлик тарбиясида ибрат манбаи” мавзусидаги давра суҳбатлари ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ёш авлодга замонавий талаблар асосида билим бериш, уларда Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини тарбиялашда аждодларимиз меросидан, бадиий адабиётдан, кўргазмали воситалардан кенг фойдаланиш, соҳа мутахассислари малакасини ошириб боришнинг ўрни беқиёсдир.

Моҳира МАХСУДОВА,
Тошкент фармацевтика институти талабаси

Ўзбек ва қозоқ халқлари қадим-қадимдан тақдирдош, дўст ва биродар, ҳар икки халқни ягона тарих ва умумий келажак бирлаштириб туради. Бугун Ўзбекистон ва Қозоғистон халқлари ўз миллий тараққиётидаги барқарор ривожланиш самараларидан баҳраманддир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ва Қозоғистон мустақиллик даврида эришган ютуқлар Марказий Осиё ва бошқа минтақалардаги кўплаб мамлакатлар ҳавасини келтираётгани бежиз эмас.

ЮКСАЛИШ БИРДАМЛИКДА

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг 16-17 сентябр кунлари мамлакатимизга давлат ташрифи мобайнида ана шу беқиёс ривожланиш ва тараққиёт сарчашмалари халқларимиз бирдамлигидан куч-қудрат олиши алоҳида таъкидланди. Олий мартабали меҳмон давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументига гул қўйди. Пойтахтимиздаги Шайх Хованди Тоҳур ва Тўлабий мақбараларини зиёрат қилиш чоғида Президентлар оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью бериб, Тўлабий ва Шайх Хованди Тоҳур халқларимиз бирдамлиги ва ҳамжиҳатлиги йўлида қилган хизматларини, элларни тинчлик ва осойишталикка чорлаганини алоҳида эътироф этдилар. Бугун халқларимиз бирдамлиги йўлида қилинаётган эзгу ишлар ана шу қадимий дўстлигимизни янада мустаҳкамлайди, деб ишонч билдирилди.

Нурсултон Назарбоев халқларимиз доимо буюк аждодларини ҳурмат қилиб келгани ҳақида фикр юритар экан, “Ўзбекистон заминида қозоқ халқининг ардоқли фарзанди Тўлабий дафн этилган. Тўлабий ўз даврининг таниқли шахсларидан бўлиб, қози сифатида танилган. «Жети Жарғи» қонунлар тўпламини тузишда муаллифлардан бири сифатида иштирок этган ва элни доимо бирликка бошлаган. Шавкат Миромоновичга қозоқ халқининг буюк фарзанди Тўлабий мақбарасини ободонлаштиришга қаратаётган катта эътибори учун миннатдорлик билдираман. Халқларимизни буюк аждодларимиз руҳи доимо қўлласин”, деди.

Икки давлат раҳбарлари Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ҳайкали пойига гул қўйиб, Буюк Йўлбошчи хотирасига ҳурмат бажо этдилар. «Ўзэкспомарказ»да ташкил этилган Қозоғистон миллий маҳсулотлари кўргазмаси билан танишув ҳам Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳамкорлигининг янги босқичидан далолат берди. Кўргазмани ташкил этишдан асосий мақсад икки мамлакат компаниялари ўртасида барқарор алоқаларни йўлга қўйиш, янги савдо-иқтисодий ва саноат лойиҳаларини амалга оширишдан иборат. Қозоғистоннинг автомобилсозлик, нефть-газ, ҳарбий техника, авиация, фармацевтика, тўқимачилик, ахборот технологиялари, қурилиш материаллари ва бошқа соҳаларда фаолият юритаётган элликдан зиёд компаниялари маҳсулотлари барчада қизиқиш уйғотди. Айниқса, олий ўқув юртлари, илмий-ишлаб чиқариш марказларининг инновацион технологиялари алоҳида эътиборга сазовор бўлди. Президентлар кўргазма билан танишиш чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришда бундай кўргазмалар ўрнига алоҳида аҳамият қаратдилар.

Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтган учрашувларда бугун икки томонлама алоқаларда илгари кузатилмаган юқори натижаларга эришилаётгани алоҳида қайд этилди. Мамлакатларимиз иқтисодиёти бир-бирини тўлдириши таъкидланди. Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг очиқ ва прагматик сиёсати натижасида ҳар икки мамлакат ўртасидаги олий даражадаги мулоқотлар фаоллашди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 22-23 март кунлари Қозоғистонга давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтарди.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссияга товар айирбошлаш ҳажмини 5 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди. Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёлар суви халқларимизнинг умумий бойлиги экани, миллионлаб инсонлар тақдири, бутун минтақа барқарорлиги ва фаровонлиги улардан оқилона ва адолатли фойдаланишга боғлиқлиги қайд этилди. Илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, туризм, спорт ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ҳам келишувларга эришилди. 2018 йилда Қозоғистонда Ўзбекистон йили ва 2019 йилда Ўзбекистонда Қозоғистон йили ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Қўшма баёнотни имзоладилар. Икки томонлама ҳамкорликнинг турли соҳаларига доир 10дан зиёд ҳужжат имзоланди.

Қозоғистон Президентининг мамлакатимизга давлат ташрифи арафасида Нурсултон Назарбоевнинг «XXI аср бўсағасида» китоби Президентимиз Шавкат Мирзиёев сўзбошиси билан ўзбек тилида чоп этилди. Давлатимиз раҳбари мазкур китобни Қозоғистон Президентига туҳфа қилиб, Нурсултон Назарбоевнинг мустақил Қозоғистон давлатининг асосчиси сифатидаги фаолиятига юксак баҳо берди. Президентимизнинг 2017 йил 15 сентябрдаги фармонига мувофиқ, мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун Нурсултон Назарбоев «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланди. Давлатимиз раҳбари ушбу юксак мукофотни тантанали равишда топширди. Нурсултон Назарбоев юксак мукофот ва самимий эҳтиром учун миннатдорлик билдирар экан, Ўзбекистоннинг янги давр, янги босқичдаги миллий тараққиёти йўлида халқимиз ва давлатимиз раҳбарига катта муваффақиятлар тилади.

Ўз мухбиримиз.

Гафур ҒУЛОМ

Кўнгил минтақаси

АБАДИЙ ҚЎНДОШЛИК

Тирик сатрлар

Минг йилларга бар тутқазмас
Қондошлик тарихимиз,
Икки бошга бир манглайдай
Ярқироқ тақдиримиз.
Бир китобнинг икки бети,
Тутташгандир еримиз,
Бир-бировга кундай равшан
Аёнимиз, сиримиз.

Қариндошим, туғишқоним
Улкан қозоқсан ўзинг,
Тонготарда эгиз болқар
Ўзбек билан юлдузинг.

Олматанинг олмасидай
Қон талашган юзларинг,
Конибодом бодомидай
Қур-қуралай кўзларинг.
Олтой бўркин қинғир қўйган
Қошлари қундузларинг.
Саримойдай сўлқилдоғон,
Ғоз ўмровли қизларинг.

Ойнабулоқ сувларидек
Бахти бўлсин ярқироқ,
Женгай десам йироқ бўлмас,
Синглим десам яхшироқ.

Қуёш ўғли, қуёшдан ҳам
Баракали улуғ халқ,
Миллиард тонна арпа-буғдой
Омборлари тўлиқ халқ,
Ёвқур, дадил, жанг кунлари
Оти чайнар сўлуғ халқ,
Аҳди маҳкам, бошлар бўлса
Ҳар ишни қилғулик, халқ.

Қариндошим, туғишқоним
Улкан қозоқ, омон бўл,
Тиниқликда осмон бўлу,
Доимликда жаҳон бўл.

Улуғ тўйинг қувонаман,
Йўлбарсдай гуркирайман,

Қорабайир ёлларини.
Пойгаларда тарайман,
Мақтанмайман чин айтганда,
Бир чамалаб қарайман,
Айтисуда Сабит билан
Тортишувга ярайман.

Ўзбек элнинг донг қозонган
Манандай оқиниман,
Жон қозоқнинг оқинларин
Дўстиман — яқиниман.

Сафар ОЛЛОЁР

1969 йилда туғилган. ЎзМУнинг журналистика факултетини битирган. "Ишқ йўли", "Умид ўзани", "Нафис идрок", "Омад кўзи" номли шеърий китоблари нашр этилган. Шоир маълум ва азалий мавзуларга мурожаат этса-да, уларнинг тасвирида ҳам, хулосаларида ҳам кутилмаган манзараларни тақдим этишга интилади.

МУНАВВАР ТОНГЛАР

МАСРУРЛИК

Юртим кентларини кезаман такрор,
Барининг ўзбекча жозибаси бор.
Андозалар олиб Ўзбекистондан,
Оламга янги тўн кийдирар баҳор.

Мунаввар тонгларга ҳаммаслак шабнам,
Файзу тароватга лим тўла кўклам.
О, бундай хушнудлик кундай нурафшон,
Халқим меҳри ила мукаррам ўлкам!

Инсонийлик инор қалблар қаърига,
Самимий истаклар ифорларига.
Тоғ янглиғ юксалар миллий ғурур, ор,
Яратган барака берсин барига!..

НИГОҲ

(сонет)

Бизлар кўзлар билан сўзлашар эдик,
Икки дил уларни қўлларди ҳар гал.
Бизлар сўзлашолмай бир кун панд едик,
Суҳбат қуролмагач қай дам муфассал.

То ҳануз кўнглимни ўртаюр забон,
Ҳойнаҳой, бийрон у — булбулигўё.
Ва лекин нигоҳинг эсга тушган он:
Инжа фасоҳати бамисли рўё...

Ё фалак, бу ишқми, сирли қўшиқми —
Фарқига бормадим, ўзинг айтмасанг
Нечун лол айлагай ошиқ маъшуқни?!

Толе ато этгай мисли жон қадар,
Севгини авайлаб, тилни асрасанг,
Нигоҳи ҳикматдай маъноли дилбар!

ҚОЯДАГИ БИТИК

Ови бароридан келди овчининг:
Йўлида учради бир қанча ўлжа.
Ҳаваси келарди ҳар йўловчининг,
Ҳасад ҳам қўзғарди бу — анча ўлжа!..

У уйга қайтаркан зўрға эпларди:
Ҳали милтиқ енгил, тирдон ҳам тўла,
Лекин елкаларин кийик эзарди,
Тўрт қуён оттанди, нафс-да, бир йўла!

Ахийри, тин олди сойда бир муддат,
Чопонини ечиб тўшади - ётди.
Эвоҳ, табиатдан олмади рухсат,
Ширин уйқусидан чақмоқ уйғотди!

Қирғоққа тирмашди — сирпанди оёқ,
Тепага ўрласа — келаяпти сел!
Уни кўзлар эди момақалдироқ,
Бисёр ўлжа боис зирқирарди бел!..

Илож тополмади қочишдан бошқа,
Милтиқ ҳам, тирдон ҳам, ўлжа ҳам - қолди.
Сайёд бўлсанг ҳамки, қийин бир бошга,
Қояга бекиниб, тасбеҳин олди...

Сўнг тошга шу сўзни ёзди басма-бас,
Сиз ҳам ўқиб кўринг келмаса малол:
«Эй одам, йўлда дуч келгани эмас,
Насиб этгани — бу луқмаи ҳалол!».

ЎЗАН МАНЗУМАСИ

Дарёча хўб оқди ўзини излаб,
Ҳар томон бош урди қибладан бошқа.
Оташин қумларга босар эди лаб,
Гоҳ бироз тўхтарди урилиб тошга...

Ободлик излади ўз имконидан,
Манзара изидан юрди эргашиб.
Кўрди: йўл-йўлакай икки ёнидан
Жилғалар келарди унга хас ташиб...

Ирмоқлар чўкинди айлар ҳавола,
Шумшайиб келгандан кўра шу афзал.
Хуллас, йўл-йўлакай пишди зувала,
Қувноқ тўлқинлари товланар зарҳал!

Тасанно айтади ёруғ очунга,
Қумбўронлар йўлин тўсолмас энди.
Ҳатто туялар ҳам эгилар унга,
Борган сари тўлиб, лойқаси тинди...

Қанча жонзотларни боқишин айтмас,
Ел билан ҳаммаслак, сирдош, чамаси.
Лекин зинҳор елдай ортига қайтмас,
Табиатга ёқар жонфидо саси!..

СУВ

Сувдан сўрадилар: — Нега оқасан?
— Ҳеч нишабга тоқат қила олмадим,
Оқаманки, боғу чўлга ёқаман,
Айнийман бир жойда қўллаб қолсам жим...

ПАЙМОН



Тўхтамиш Тўхтаев (Паймон) 1955 йилда туғилган. 1977 йили Самарқанд педагогика институтининг филология факултетида таҳсил олган. Тожик тилида "Сангина ришта", "Шабоҳанг", "Шабобез" сингари шеърий тўпламлари чоп этилган. Шоир таржимон сифатида икки халқ адабий алоқаларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Мумтоз адабиётимиз вакиллари Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Нодира ғазалларини, шунингдек, замонавий ўзбек шоирларининг шеърларини тожик тилига ўгирган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Республикамизда чиқадиган "Овози тожик" газетаси бўлим мудири вазифасида хизмат қилади.

СЕНИНГ ХАЁЛИНГ

ТЎРТЛИКЛАР

* * *

Баландсан ҳар баҳодан, онажоним,
Равосан ҳар раводан, онажоним.
Узолмам бахш этиб юз жонни қарзинг,
Жаҳондан бебаҳосан, онажоним!

* * *

Кўнгил бир қатрада дарёни кўргай,
Кўнгил бир заррада дунёни кўргай.
Кўнгил шундай дақиқ хилқат, бугунда
Келажак — пинҳону пайдони кўргай.

* * *

Шоири замон, сози миллат бўлгил,
Эттувчи аён ниёзи миллат бўлгил.
Ўз рози дилинг битишдан ортмайсан ҳеч,
Очиқ китоби рози миллат бўлгил.

* * *

Кўкламни уялтирди юзинг олдида боғ,
Лола дилида лаъл лабинг рашкида доғ.

Сочингни(нг) муаттар исидек жонбахш ис
Топмади бирор боғида дунёни димоғ.

* * *

Бўлинг мудом анису маҳрам, дўстлар,
Ҳар дарду доғ етишса малҳам, дўстлар.
То келган экан сизга яшаш навбати,
Бирга бўлингу яшанг боҳам, дўстлар.

* * *

Ҳар нарсадан олам ичра бозор яхши,
Йўқ сенга менинг каби харидор яхши.
Мендан аясанг ҳам лутфингни ҳарчанд,
Мен шукр этаман, шукри сендай ёр яхши.

* * *

Дил дардига етди охир анжом сендан,
Бўлди муяссар барча ком сендан.
Лутфингдан умидворлик ичинда, яъни
Пайғом етди сендан, пайғом сендан!

* * *

Даврингдан йўқ яхши даврон, соқий,
Посбонимиз унинг чекиб жон, соқий.

Бўлди бир умр тилда зикр ушбу дуо:
Даврингсира топмасин поён, соқий!

* * *

Мажнунлик эмас фасона, мажнун кўрдик,
Ишқ оташида ошиқи дилхун кўрдик.
Номардга тўла деб ўйлама дунёни,
Мард аҳлини дунёда кўп афзун кўрдик.

* * *

Бошимда фақат сенинг хаёлинг бордир,
Фикримда фақат айши висолинг бордир.
Умрим бўйи шодман шу иноятдан, гар
Кўнглимда фақат сенинг малолинг бордир.

* * *

Эй шеър, сенга умримни фидо қилдим мен,
Сен деб нима қилсам, доимо қилдим мен.
Кетди қидириб давлату мансаб дўстлар,
Ўзингга қаноату вафо қилдим мен.

* * *

Бу умр гоҳи ошкор, гоҳи пинҳон ўтди,
Гоҳида у яхши, гоҳи ёмон ўтди.
Мен бўлган эмасман сира отлиқ, аммо,
Даврон отида солиб у сурон ўтди.

* * *

Топилмас ҳеч қачон сендан-да яхши,
Яқину меҳрибон сендан-да яхши.
Ярим умрим ўтиб ҳам кўрмадим мен
Бирор оромижон сендан-да яхши.

* * *

Сени дерман малоҳат ичра нодир,
Дилимнинг дардига ишқинг даводир.
Нима дей ушбу иқрордан ҳам ортиқ:
Сенинг ишқинг мени қилди-ку шоир!

* * *

Муҳаббат давлати ҳар хас эмасдир,
Мурувват одати нокас эмасдир.
Асиллик жавҳари покларга хосдир,
У асти хислати ҳар хас эмасдир.

Тожик тилидан Эргаш ОЧИЛОВ таржимаси

Адиб ва жамият

БАХТ ЗАРРАЛАРИ

Бахт ҳақида кўп сўрайдилар. Ҳар ким бахтни ўз кўзи билан кўради. Ўз қаричи билан ўлчайди. Менинг бахтим бошқа биров учун шунчаки арзимас бир нарса бўлиб туюлиши мумкин. Қоғоз-қалам билан ўтган тунларим мен учун бахтли лаҳзалар, менга куюнгувчи дўстларим эса: «Тирикчилик важидан ухламайди, бечора», дейишади. Мен эса бошқаларга ачинаман. Бир нарса аниқ — бахт бевафо матоҳ: келаверади, кетаверади... «Бахт қуши» деган таъбирнинг мавжудлиги бежиз эмас. Қуш ҳеч қачон бир ерга узоқ қўнмайди. Бахт ҳам шундай — кишига ҳамиша йўлдош бўлавермайди. Бахтиёрлик кўп ҳолларда кишини худбинликка, манманликка етаклаши мумкин. Ана шунда жар ёқасига келтирадию, ўзи ғойиб бўлади. Киши: «Бахтим, қайдасан?» деб чапак чалиб қолаверади. Ҳаётдан маълумким, жарга қулаганлар ҳам учрайди. Эси бутун одамлар эса ўзини асраб қола олади. «Бахтингни қўлдан берма», деган гапни мен «манманликка берилма, худбин бўлма», деган маънода тушунаман.

Бахт зарралардан ташкил топади. Масалан: эрталаб дастурхонимда нон туриши — бахт. Уни емай, исроф қилиш эса худбинлик. Ҳар тонг аҳли оиламни, қўни-қўшнимни, қариндошу дўстларни соғ-омон кўрмоқлик — бахт. Улардан бирининг кўнглини оғритиш эса — худбинлик... Заргар тилла зарраларини тўплаб, бир ажиб узук ясаса-ю, уни бир онда йўқотиб қўйса... Одам бахтини ана шундай машаққат билан топади, осонлик билан йўқотади. Бунга фақат ўзигина айбдор.

* * *

Кўпчилик ойнаи жаҳон орқали фарзандларини таваллуд айёмлари билан табрикламоқни одат қилган. Майли, бу ҳам кераксиз одатларнинг, бекорчи харажатларнинг бир кўриниши, дейлик. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Тўғри, ҳамма боласига бахт, узоқ умр тилайди. Биз бу тилакни инкор этмаймиз. Биз учун, ажабки, ҳеч ким фарзанду аржумандига Аллоҳдан иймон, инсоф, виждон, ақл-идрок сўрамайди. Бола учун буларнинг зарурати йўқмикин? Ёки... иймонсиз одам бахтли бўла олармикин?

* * *

Дерларки, Инсон учун энг улуғ дунёвий неъмат — унинг озодлиги ва ҳурлигидир. Агар озодлик неъмат экан, озод инсоннинг бахтсиз бўлмоғи мумкин эмасдир. Агар бахтсиз инсонга дуч келсангиз қайғу-ҳасратда ёнаётганига гувоҳ бўлсангиз, билингким, у озод эмасдир. У, шубҳасиз, ким ёки нима томонидан эзилгандир.

Агар озодлик неъмат экан, озод инсон аблаҳ бўла олмайди. Агар бир одамнинг бошқалар олдида паст кетаётганини, лаганбардорлик қилаётганини кўрсангиз, билингким, у озод эмасдир. У қулдир. У бўйнини қуллик сиртмоғига тутиб, бунинг эвазига бир товоқ овқат ёки бирон мансаб, ёхуд шунга ўхшаш бир нима ундирмоқ истагида. Ким озроқ манфаатга эришибди, демак, озроқ хушомад қилибди...

Озод одам ҳеч бир тўсиқсиз эгалик қилиш мумкин бўлган нарсага эгадир. Ҳеч бир тўсиқсиз нимага эгалик қилиш мумкин? Фақат ЎЗ-ЎЗИГА!..

* * *

Китобларнинг киши руҳига таъсир кучи ҳар хил бўлади. Баъзи китобларни ўқиб тугатгач таъсирланасиз, айримларининг биринчи саҳифасини ўқибоқ, энг қадрдон ва доно дўстни топиб олгандай қувониб бағрингизга босиб оласиз. Мен йигирма йиллар муқаддам Faззолий ҳазратларининг асарларидан бир неча лавҳа ўқиганимда шундай ҳолга келган эдим. Ҳазратнинг асарларини таржима қилиб, нашр этаётган биродарларимизга раҳмат. Улуғ алломанинг ҳар янги китоблари қалбимизга қувонч бағишлайдиган бўлиб қолди. Чунки ҳар бир асар бизнинг онгимизни янги-янги маънолар билан бойитади. Мен бу асарларни ғафлат уйқусидаги бандаларни уйғотишга қаратилган, огоҳлантирувчи омил деб биламан. Ғофил бандалар ҳамма замонларда ҳам бўлганлар. Барча замонларда яшаган олимлар уларни уйғотишга ҳаракат қилганлар. Ўнинчи асрда яшаган ғофил билан йигирма биринчи асрда яшаётган, қалб кўзлари юмуқ бандаларнинг фарқи борми? Бор, албатта. Ўтмишдагига нисбатан бугунгиларни уйғотиш қийинроқ. Чунки бугунгиларга куфр оламининг таъсири кучлироқ. Бу таъсир кучини енгиш учун бешвақт намоз ўқишу дуолар қилишнинг ўзи кифоя эмас. Ҳазрат Амир Темур: "Агар ҳамма мушкулот фақат дуо билан ечилса эди, Бадр жанги бўлмас эди", деган эканлар. Демакким, ҳар қандай мушкулотни ечишда дуога қувват берадиган омил — илм ва илм асосидаги ҳаракатдир. Исломдаги жуда кўп муаммолар фақат илм билан ечиб келинган. Жоҳиллик ботқоғида туриб дуо қилишнинг самарасини тарих ҳали кўргани йўқ. Илмни эса бизларга олимларимиз ўргатадилар. Улар илмни ўзлари тўқиб чиқармаганлар, бизларга тақдим қилаётганлари бу илм Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар асосидадир. Шунинг учун ҳам бу илм асрлар оша бизларга етиб келди ва бизларнинг ҳам қалбимиз кўзини очишга хизмат қиляпти.

* * *

Билмоқлик ва билимини кўз-кўз қилиб кибрланмаслик — маънавий юксакликдир. Кам билмоқлик ва ўзни билимдон қилиб кўрсатмоқлик — хасталикдир. Бу хасталикни англасаккина ундан қутула олмоғимиз мумкин.

«Қутадғу билиг»да баён қилинишича, Кунтуғди Элиг Ўгдулмишдан сўради:

— Киши онасидан доно бўлиб туғиладими ёки муайян бир ёшга етганидан кейин заковатли бўладими?

Ўгдулмиш унга жавоб айтди:

— Эй Элиг! Бу санъатнинг номи — билим ва укувдир. Одамзот онасидан билимсиз туғилади. Аммо у билиб, ўрганиб, тўрга чиқади. Уқув ва зеҳн эса киши табиатида бўлади. Билим — кўп ўқиш ва ўрганиш маҳсулидир... Уқув-идрок киши миясига жо этилган. Бошнинг азизлиги шундан.

Болам тутсин десанг
донолик йўлин,
Кичикликдан тегиз
билимга қўлин.

Агар бола кичикликдан билим ўрганса, унинг идроки ҳам яхши бўлади. Заковати ортади. Уқув-идрок киши учун кишандай гап. У ёмон ва ярамас ишларга яқин йўлатмайди. Уқувли тирикдир, уқувсиз — ўлик. Киши уйга, оддий эмас, қоронғи уйга ўхшайди. Уқув-идрок эса машъал каби унга нур сочади. Шу уйни ёритади. Яъни кишини равшанликка элтади. Тугун тутган ҳар бир иш у туфайли ечилади.

Масъудликка кўникмайлик ва маҳлиё бўлмайлик. Чунки у ўткинчидир, боқий эмасдир. «Ким масъуддир — ундан ажралмоқликни ўргансин, ким бахтлидир — қайғурмоқликни ўргансин», деган эканлар.

* * *

Ақл билан юрак бир хил иш билан машғул бўлса, вақт ўтгани билинмайди, иссиқ, оч-наҳорлик, ташналик таъсир қилмайди. Донишманд дебдиким: "Ақлинг билан қара, кўз хоиндур, қалбинг билан эшит, қулоқ ёлғончидир!" Фикр ақлнинг кўзгусидир. Ақл билан иш кўрувчи одамни "ақлли" деб шарафлаймиз. Бунинг муқобилидагини баъзан "аҳмоқ", баъзан юмшоқроқ тарзда "ақлсиз" ёки "эси паст" ёки "эси йўқ" деб қўямиз. Аҳмоқ билан ақлсизнинг (эси паст, эси йўқнинг) мавқеи бирми? Йўқ. Ақлсиз, эси паст, эси йўқ — одамнинг табиий камчилиги. Айб ҳам, гуноҳ ҳам эмас. У табиатан ақлсиз яралган. Одамнинг жисмоний қуввати турлича бўлганидек, ақл қуввати ҳам ҳар хилдир. Агар бир одам ақлсизлиги туфайли бирон айб иш қилса, айтайлик бировни сўкса, унинг бу иши узрли. Агар ақли бутун бўла туриб айнан шу ишни қилса, уни "аҳмоқ" деймиз.

Инсонни бутун ҳайвонлардан юқори қўйган, уни дунёнинг бутун сирларидан воқиф этган тўрт нарса "Калила ва Димна"да ҳикмат, ақл, қаноат ва адолат, деб белгиланган. Илм таҳсил этмоқ, савод чиқармоқ ва ҳар нарсани атрофлича тушуна билмоқ — ҳикматга; тадбир, сабр, назокат, марҳамат — ақлга; ҳаё, олижаноблик, ўзини қўлга олмоқ ва ўзининг ҳақ-ҳуқуқини билмоқ — қаноатга: тўғрилик, ваъдага вафо, эзгу ишлар қилмоқ ва яхши хосиятли бўлмоқ — адолатга тегишли. Бу сифатларнинг бариси бир одамда мужассам бўлса, дунёдаги энг буюк мавқе ҳам уни гангитиб қўймайди. Энг катта қулфат ҳам уни саросимага сола билмайди. Бундай одам атрофида ўзини қувонтирмайдиган нарсаларнинг борлигидан ғам емайди, ўзида мавжуд нарсалардан маҳрум бўлса, ранжимайди. Бошига фалокат келса, ўзини йўқотиб қўймайди. Ҳикмат — битмас, туганмас хазинадир. Харжлаганинг билан у камаймайди. Асраганинг билан унга нуқсон етмайди. Ҳикмат шундай либоски, кийганинг билан эскирмайди.

Ақл эса саховат эшиклари ва саодат хазиналарининг калитидир. Фоний дунёнинг азобу уқубатларидан халос бўлиш, боқий дунёнинг ноз-неъматларига етишиш ақл ва идрокка боғликдир. Инсонга ҳамиша ақли ҳукмронлик қилиши керак. Ақлини йўқотган куни ўзини фалокатга отган бўлади. Ақлсиз бошнинг азобини эса вужуд тортади. Истеъдод, ақл-идрок икки хилдир: бири — табиий, онадан туғма бўлади; иккинчиси — касбий, яъни тажриба воситасида эришилади. Инсонларда бўлган табиий истеъдод ёғочдаги ёниш хусусиятига ўхшайди. Ёғочга ўт қўйилмаса ёнмайдим. Шунга ўхшаш, табиий истеъдод ва ақл ҳам тажриба бўлмаса, ўзини кўрсата олмайди. Олимлар тажриба инсон ақл-идрокини камолга етказади, деганлар.

Ҳақиқий ақллилик илоҳий амрга итоат қилиш бўлиб, асл истиқбол айнан шу итоатдадир. Бу айни замонда абадий ҳаётга жиддий ҳозирлик кўриш ҳамдир. Инсон ақли турли кўринишларда намоён бўлади: назокатли ва мулойим муомалада: ўзи ким эканлигини билиб, шунга риоя қилишда: одил шоҳларга риоя қилиб, уларнинг орзу-истакларини амалга оширишда; ўз сирларини дўстга билдириш ёки билдирмасликни билишда.

Яъниким, ақлсизнинг сири бўлмайди, ҳар нарсаси тилида туради; ўзининг ва бошқаларнинг сирини сақлашда; шоҳлар саройида эҳтиёт бўлиб, сарой аҳлига ширин тил билан муомала қила билишда: тилини тийиб, ортиқча сўзламасликда; мажлисларда жим ўтиришни одат қилиб, сўралмаган нарсаларни айтмаслик ва пушаймонлик келтирадиган сўзларни тилга олишдан сақланишда.

Ақлли одам қиладиган ишининг охири нима билан ва қандай тугашини олдиндан кўз ўнгига келтириши керак. Қасрга боражагини йўлга чиқишдан аввал билиши шарт. Акс ҳолда у йўлнинг ярмида сарсон бўлиб қолади. Фалокатдан бошқасига йўлиқмайди. Бемаъни ҳиссиётларни жиловлаш учун ҳам одамга ақл берилган, шундай эмасми? Куч — ақлда. Ақлсиз бош — бамисоли шамсиз шамдон, дейдилар. Инсон жасадидаги ақл дарахтга ўхшаркан. Дарахт соғлом ва серҳосил бўлса, ундан самара умид қилиш мумкин. Унга пажмурдалик ва хазон етса, ўтин қилиб ёқишдан бошқа нарсага арзимайди.

Тоҳир МАЛИК,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида ўзбек туркологиясида уйғониш бошланди: устоз Солиҳ Муталлибов Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит-турк”(XI аср) асарини тажима қилишдек катта ишни бажарди. Қаюмжон Каримов “Қутадғу билиг”нинг Наманган нусхасини, Қозоқбой Маҳмудов “Ҳибат ул-ҳақойиқ”ни нашрга тайёрлади. Бу ишлар Россия, Қозоғистон, Туркия ва бошқа мамлакатлар олимлари томонидан эътироф этилди. Жаҳон туркологияси суянадиган ёзма манбалар, қайси ўлкаларда яратилган бўлмасин, туркий халқларнинг муштарак бойлигидир.

Боқий хазина

ТУРКОЛОГИЯДА ДАДИЛ ҚАДАМ

“Девону луғатит-турк”ка ҳамма замонларда ҳам эҳтиёж катта бўлган эди. Машҳур муаррих Рашидиддин Фазлуллоҳ Ҳамадоний(XIII асрнинг иккинчи ярми — XIV асрнинг боши) “Жомеъ ут-таворих” асарининг биринчи жилдини ёзишда бир қанча ёзма манбалар қатори, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит-турк” асаридан фойдаланганини ҳам айтиб ўтади. Рашидиддин “Жомеъ ут-таворих” асарини 1310\11 йили Эронда Элхонийлар салтанатида ёзиб тугатганини инобатга олсак, “Девону луғатит-турк” яратилганидан 240 йил кейин ҳам эътиборга сазовор манба бўлгани кўриниб турибди.

Ҳар бир нарсанинг моҳияти қиёслашда очилганидек, илм аҳлида “Девону луғатит-турк”-нинг бошқа тилларга таржималари билан қиёсий ўрганиш орқали Ўзбекистонда қилинган таржима ва нашрнинг афзалликлари, айни пайтда, айрим нуқсонлари янада аёнлашди. Ана шу сабабларга кўра, “Девону луғатит-турк”ни қайта нашр этиш зарурати пайдо бўлди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги марҳум устоз Алибек Рустамов(1-жилдда иштирок этган) ва филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоев шарафли, айни пайтда машаққатли меҳнатни амалга оширдилар. Улар мазкур асарнинг турли мамлакатлардаги бир неча нашрларини Солиҳ Муталлибов нашри билан қиёсий ўрганиб, таҳлил қилиб, тузатишлар, изоҳлар бердилар. Шу тариқа, “Девону луғатит-турк” “Мумтоз сўз” нашриётида қайтадан чоп этилди.

Албатта, китобни қўлига олган одам бу нашрнинг олдингисига нисбатан афзалликларини излайди. Аслида қайта нашрга тайёрловчиларнинг хизмати ҳам аввалги нашрни такомиллаштиришдан иборат эди. Бирон матнни нашрга тайёрлаган мутахассис бундай ишларнинг сермеҳнат эканини билади. Қорахонийлар салтанатининг туркий тил ва туркий маданиятга алоҳида эътибори туфайли ҳам “Девону луғатит-турк” қадимги туркий тилнинг мавқеини эътироф этишга ва бу тилнинг илдизлари жуда қадимий эканини оммага уқтиришга қаратилган эди. Ўша мақсадни Ҳамидулла Болтабоев биринчи жилдда янада аниқлаштирди – ихчам ва том маънода илмий мантиқ асосий ўрин тутган сўзбоши ёзиб, “Девону луғатит-турк”нинг моҳиятини очиб берди. “Девону луғатит-турк”нинг турли тилларга таржималари географияси анчагина кенг эканига сўз- бошида китобхон тушуниб олади. Зотан, китобхон учун бу маълумотлар сув билан ҳаводек зарур. Маҳмуд Кошғарийнинг ҳаёти ва таржимаи ҳолига оид янги далиллар, фикр-қарашлар талқини ҳам асарнинг нашрига мос юқори савияда. Сўзбоши илмий адабиётларга, қўлланмаларга ҳали киритилмаган янги маълумотлар билан бойитилган.

Мазкур нашрга қиёс учун хизмат қилган манбалар сифатида Туркияда ўтган асрнинг 40-йиллари Басим Аталай амалга оширган таржима, Алибек Рустамовнинг Москвада 2010 йили чоп этилган рус тилига таржимаси, Олмаотада рус тилига қилинган ва чоп этилган, Бокуда озарбойжон тилида, Урумчида уйғур тилида чиққан таржималар асос бўлган.

“Девону луғатит-турк” асарининг мазкур ўзбекча нашрига ҳам анъанавий принцип асос қилиб олиниб, мукаммал нашр амалга оширилган. Бир мисол: нашр фақат сўзларни тузатиш ёки жумлага аниқлик киритиш орқалигина мукаммаллаштирилган эмас, балки С.Муталлибов нашрида туширилган, қолдирилган жумлалар А.Рустамов томонидан тикланган ва ҳам диққатга сазовор. Бундай тиклашлар “Муқаддима”да, эски турк ёзувига берилган изоҳларда ва бошқа кўп ўринларда кўринади. Мисол учун, С.Муталлибов нашрида Ал-Ашъа исмли шоирнинг араб тилидаги бир байти келтирилган, аммо таржимаси берилмаган. Ноширларимиз ана шу арабча байтнинг таржимасини берганлар, бу аниқлик “Девону луғатит-турк”даги адабий жанрларни тўлиқроқ тасаввур қилишга ва бундан кейин тадқиқ этишга ҳам хизмат қилади.

Арабча байтнинг таржимаси қуйидагича экан: “Бирон мақсадни кўзлаб ясалган бутларга эмас, ёлғиз Оллоҳга, Раббингизга сиғининг”.

Нашрга тайёрлаш принципларига кўра, бошқа нашрларда берилган хато сўз ёки жумла ҳам мазкур нашрда изоҳда акс эттирилган. Бунинг афзаллиги шундаки, китобхон ёки бошқа нашрдан фойдаланувчи мутахассис тадқиқот олиб бориш жараёнида ўша нашрларни қидириб юрмайди, А.Рустамов ва Ҳ.Болтабоев нашрига қараб, саволига жавоб топади, муаммосини ҳал қилади.

“Девону луғатит-турк” – тил илмига бағишланган асар, туркий тилнинг, туркий адабиёт ва туркий қабилалар тарихининг XI асргача бўлган ҳолати ҳақида тўлиқ хабар берадиган қомус. Айниқса, “Девон”нинг феъл сўз туркумига бағишланган иккинчи жилдида Кошғарийнинг тил илмига оид кузатувларини кўрамиз. С.Муталлибов нашрида транслитерацияда нуқсон борлиги учун феъллларнинг маъносидаги ўзгаришлар(С.Муталлибовда *болді; ноширлар булді* деб таклиф қиладилар. *Булді* қадимги туркий тилда “топмоқ” маъносини ифодалаб, ҳозирги турк тилида ўша маъносида қўлланади); аввалги нашрда сингармонизм қоидаси бузилгани(масалан, *чөммәк* феъли талқинида) ҳамда Ҳ.Болтабоевнинг бу ҳақдаги қарашлари ва талқинлари, таржима қилинмай қолган арабча ибора ва жумлаларнинг ўзбекчага таржимаси амалга оширилгани каби ўзгартиришлар мазкур нашр мукаммаллигидан яна бир далолат.

Аслиятга таржимон ёки ношир қўшимча киритганда изоҳ бериб кетиши лозим ва бу илмий одобга тўғри келади. Бу жиҳатдан Ҳ.Болтабоев тутган йўлни маъқулласак арзийди. У изоҳда кўп ўринларда – сўз маъносини изоҳлаб, ўз нуқтаи назарини ифодалаганида, мақол ёки маталнинг вариантини берганда, албатта, С.Муталлибов нашрига холис муносабатини сақлаб қолган. Аввалги нашрнинг камчиликларини бўрттириш йўлидан эмас, балки нашрда йўл қўйилган нуқсонларни бартараф этиш менинг бурчим деган нуқтаи назар билан иш олиб борган. Бу ҳам илмий одобнинг, устозларга ҳурматнинг бир намунасидир.

Қадимги туркий тилдаги айрим сўзлар шаклан ҳозирги туркий тилларда сақланган бўлса-да, маънода ўзгаришлар юз берган ва бу табиий жараён. Бир қанча қадимги туркийча сўзларнинг кўринишлари — *қонушді*(II жилд, 78-бет.), *чулукті*(II жилд, 81-бет.) каби сўзлардаги маъно ўзгаришлари ҳақида Ҳ. Болтабоев сўз юритганда, лингвистик таҳлилга алоҳида эътибор қаратган, ўз қарашларини далиллаш учун “Қадимги туркий тил луғати” (Древнетюркский словарь, Л.: 1969)га қиёслаган. Зотан, бу луғат қадимги туркий тил бўйича ишончли манба сифатида эътироф этилган. Негаки, 1969 йили Ленинград(ҳозирги Санкт-Петербург)да чоп этилган мазкур луғатга илова қилинган сўзларнинг диалектал фарқлари Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит-турк” асари бўйича тузилган.

Мазкур қайта нашр қиёсий-тарихий лексикология соҳаси учун ҳам қимматли манба бўлиши билан аҳамиятлидир. Ўзбек ноширлари “тўғри вариант” деб изоҳда илова қилган намуналар бу асарнинг диалектларидаги фарқларни янада яққолроқ тасаввур этишга ёрдам беради. Қадимги туркий тил диалектларидаги фарқларни кейинги асрларда тузилган бошқа луғатларда, грамматикага оид асарларда Маҳмуд Кошғарийчалик синчковлик ва аниқлик билан берилганини кузатмаймиз. Маҳмуд Кошғарий диалектлардаги айричаликларни кўрсатибгина қолмай, диалектларнинг адабий тил вазифасини бажарганини тил назариётчиси ҳамда нозикфаҳм тилшунос сифатида фарқлаганини эътироф этишимиз керак. У туркий ва туркийлашган қабилаларнинг тил хусусиятлари ҳақида сўз юритар экан, шундай изоҳ беради: “Тилларнинг енгили ўғузча, энг тўғриси, яхшиси яғмо, тухси кабиларнинг тили ва шунингдек, *Ила*(Или), *Эртиш*(Иртиш), *Ямар*, *Этил* водийларидан уйғур шаҳарларигача бўлган жойларда яшовчилар тилидир. Буларнинг ичида энг очиқ ва равон тил – хоқония(хоқонлилар) ўлкасида яшовчиларнинг тилидир”(I жилд, 39-бет).

Маҳмуд Кошғарий бу кузатувлари орқали туркий тилнинг географик ҳудуд билан алоқадор эканига ишора қилмоқда. Зотан, Фитратнинг тушунчаси билан айтганда, турк хоқонлиги ҳудудидаги тил тоза туркий тил эканини Кошғарий ўз давридан олдинги замонларга таяниб айтган. Мана шундай ўринларда Ҳ. Болтабоев ўз муносабатини билдириб ўтади.

Ҳ.Болтабоев транскрипция белгиларини янада аниқлаштиришни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Жумладан, қадимги туркий тилда, хусусан, “Девону луғатит-турк”даги сўзлар транскрипциясида *ö* ва *ü* унлилари кўп ҳолларда аралаш ишлатилаверган. Сабаби – айрим туркологлар бу фарқларга жиддий эътибор қаратмаганлар. Аммо ҳар иккала товуш мустақил фонема сифатида маъно фарқлагани боис, ношир ана шундай ўринларни ҳам назардан қочирмай, изоҳлаб кетган. Масалан, “Девон”да *көзгärді* (кўриштирди) ва *кәзгärді*(кузлашди, куз бўлиб қолди), *кәнгäді*(тўғрилади – ол оқ *кәнгärді* – у ўқни тўғрилади) ва *көнгärді*(йўлни тўғрилади)(II жилд, 130-бет) сўзлари мавжуд. Биргина *ö ва ü* унли фонемаларининг маъно фарқлаш хусусияти туфайли Ҳ. Болтабоев ”Қадимги туркий тил луғати”га қиёслаган, маънодаги фарқларга эътибор қаратган, ўз фикр-мулоҳазаларини изоҳда лўнда қилиб айтиб ўтган.

Нашрдаги таҳрирталаб ўринлар, тилшуносликда мавжуд бўлмаган лингвистик терминларни ўринсиз ишлатиш(масалан, *аріді сарілді* жуфт сўзига нисбатан “идиоматик таъбир” терминининг ишлатилгани) ҳолатлари ҳам учрайди. Гарчи бу термин С.Муталлибов нашрида ўтган бўлса-да, ноширлар тузатиб кетганларида, мақсадга мувофиқ бўларди.

Солиҳ Муталлибов нашридан кейин бошқа мамлакатларда амалга оширилган нашрларнинг биронтаси Ҳ. Болтабоевнинг эътиборидан четда қолмаган. Демак, мазкур ўзбекча нашр жаҳон туркологиясида анча мукаммал иш деб айтишга тўла ҳақлимиз.

Насимхон РАҲМОНОВ,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, филология фанлари доктори

ШАРҚДА МАШҲУР СЎЗ ВА ИБОРАЛАР

ҲАСАБ — насл-насаб йўли билан эмас, шахсан ўзи қозонган обрў-эътибор, шарафни билдирувчи сўз. Алишер Навоий бу сўзни асарлари матнида маҳорат билан қўллаган. Масалан: «Мажолис ун-нафоис»да берилган Дарвешбек ҳақидаги зикрда шундай ёзади: «Дарвешбек — Мирзо Али Идигу Темур ўғлидур. Насаби ҳуд олам аҳлиға зоҳирдур.

Ҳасаби Жонибиддин ҳам насабга шариф бор эди. Ҳасаб ва насаб бирла ороста йигит эрди...».

САРГУЗАШТНОМА — Фурқатнинг ўз қўли билан ёзган ва ҳаётлик вақтида матбуотда босилиб чиққан таржимаи ҳоли. 1891 йили «Туркистон вилоятининг газети» муҳаррири Н.Остроумов илтимосига кўра ёзилган ва «Хўқандлик шоир Зокиржон Фурқатнинг аҳволоти, ўз ёзғони» сарлавҳаси билан ушбу газетада босилган. Адабиётшунослар томонидан «Фурқатнома» деб ҳам аталади. «Саргузаштнома»нинг бир ўрнида шоир ўзининг тўққиз ёшда рўй берган айрим ҳолатларини ёзар экан, жума кечасида кўрган бир муборак тушига алоҳида тўхталган. Тушида Фаридиддин Аттор, Ҳофиз каби улуғ.сўз усталари қаторида Амир Алишер Навоийни ва унинг «Чор девон»и(«Хазойин ул-маоний»)ни кўрганини, шоир бўлишига башорат қилгани ҳамда илк шеърий машқи ҳақида тўлқинланиб ёзган: «...Ва хосса юқорида уч мўйсафиди фаришта-сийрат кишиким, ҳузурларида катта китоблар ёзилғон, бир-бирлари бирла мунозара қилурлар ва мен пастда қўл боғлаб салом қилдим. Ул азизлардин бири жавоби арзон тутуб, чақириб, ул мажлисдин жой кўрсатдилар. Адаб зонуси бирла ўлтурдум. Таҳсилимдан савол қилдилар. Девони Амир Навоий деб таъзиман жавоб бердум. Ул азиз ишорати бирла бир киши мени олдимға бир китоб ёзуб қўйди. Ул китоб Амир Навоийнинг «Чор девон»лари эрмиш. Андин менинг қўлумға қалам ва қоғоз бериб, ҳар қайсилари бир мисрадин байт айттилар. Мен ёзиб тамом қилдим, эрса ҳаммалари қўл очиб ҳаққимда дуо қилдилар ва шеър машқига рухсат бердилар...

Бу кун дабистонда танҳо қолиб, китобат қилур эрдим. Нохостдин кўнглум ганжинасига бир мазмун жилвагустар ўлуб, фикрим бикридин бир байт зода ўлунди. Фил фавр таҳрир низомиға чектим. Бу эрдиким, байт:

Менинг мактаб аро булдур муродим,
Хатимдек чиқса, имлоу саводим...».

Тасвирда Фурқат маҳорат билан яширин талмеҳда Аттор, Ҳофиз ижодига, очиқ талмеҳда эса Амир Алишер Навоий ижодига ва уларни ўзига устоз санаганига, асарларини чанқоқлик билан мутолаа қилганига ҳам ишоралар бор.

МУЗД — иш ҳақи, хизмат ҳақи, тўлов маъноларини билдирувчи тарихий-иқтисодий истилоҳ. Навоий даврида ва асарлари матнида ҳам шу маъноларда қўлланган. Масалан: «Фарҳод ва Ширин» достони сюжетига кўра, Фарҳод ранжу машаққатлар билан Арманистон даштида «Наҳр ул-ҳаёт» ариғини ва «Баҳр ун-нажот» ҳовузини қазиб битиради. Шунда малика Меҳинбону оғирини енгил қилган Фарҳоднинг иш ҳақи, хизмат ҳақига юз ганж тўласам ҳам кам, дея Ширинга шундай тушунтириш, изоҳ беради:

Бу шайдоваш йигитким, чекти кўп ранж
Ки, музди даст анга бор эрди юз ганж.

«Одамий эрсанг, демагил одамий, Оники йўқ халқ ғамидин ғами», деган Алишер Навоий доимо одамларнинг ҳожатини чиқариш, ёрдам бериш, дарду аламини енгиллаштириш ҳаракатида бўлган, аммо ҳожатбарорлиги учун одамлардан музд талаб қилмаган. «Вақфия»да бу ҳақда қимматли маълумотларни ёзган: «Бу ишлар муқобаласида *музд* тилаб миннат қилмадим, балки муздпарварға миннат дағи тутитилар қабул этмадим.

Рубоий:

Элдин манга гарчи ғайри заҳмат йўқ эди.
Айб эрмас, агар музд ила миннат йўқ эди.
Эл бердилар, аммо манга рағбат йўқ эди.
Шаҳ давлатидин буларга ҳожат йўқ эди».

Буробия РАЖАБОВА,
филология фанлари номзоди

ХАЁЛОТ ВА ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ

Қатор ҳикоя, қисса ва романлари билан ўқирманлар кўнглидан жой олган ёзувчи Асад Дилмурод ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларда одамларни кўрадиган, бадиий ҳақиқатни ҳаёт ҳақиқатидан устун биладиган ижодкордир. Унинг учун ҳар қандай ҳодиса инсон руҳий оламини кўрсатишнинг воситасигина, холос. Адиб образларни ҳамиша ўй-хаёллар оғушида тасвирлайди. Зеро, одам учун хаёллар оғушида бўлиш – мавжудликнинг универсал ҳолати. Ёзувчининг ўнлаб ҳикоялари, “Гирих”, “Оқ аждар сайёраси”, “Шердор”, “Мезон буржи” каби қиссалари, “Фано даштидаги қуш”, “Маҳмуд Торобий”, “Паҳлавон Муҳаммад”, “Ранг ва меҳвар”, “Заррадаги олам” сингари романлари шу принцип асосида яратилган. Бадиий диднинг турфалашуви – миллат интеллектуал савиясининг юксалгани белгиси. Жамият аҳлининг шахслашиши бадиий дидининг индивидуаллашувида кўринади. Бугун қилинаётган турли адабий тажрибалар эстетик дид ҳар хиллигининг натижасидир. Ҳаммага бирдай қизиқарли асар ёзиш адабиётимизнинг ўтмишида қолди. Бадиий диди ҳар хил бўлган миллат адабиётида турфалик етакчилик қилади.

Адабий жараён

Адибнинг қарийб ярим асрлик ижодий умри давомида ёзганлари шаклланган одатий тасаввурларга мос келмайди. Унинг асарларида рўё билан реаллик, хаёлот билан ҳаёт аралаш тасвирлангани сабаб ўқирмандан интеллектуал савия талаб қилади. Қаҳрамонларини омонат руҳий ҳолат ва хаёллар лабиринтида тасвирлаган ёзувчи уларнинг хаёлот олами ҳамда руҳиятидаги турланишлар адоқсизлигини акс эттиради.

Ёзувчи тарихий асарларида ҳам ўтмишдаги кишиларнинг руҳий дунёсини тасвирлашга куч беради. Натижада Маҳмуд Торобий, Маҳмуд Ялавоч, Амир Темур сингари тарихий шахсларни ўзгача ракурсларда тасвирлаш имконига эга бўлади. Адибни шахснинг тарихдаги хизматлари маҳлиё этмаганидан бадиий тасвирни тарихий шахс ҳақида мавжуд тасаввурларга эмас, ифода мантиғига бўйсундиради. Оқибатда тарихий шахс тасвири ёзувчининг бадиий ниятига мувофиқлаштирилади.

Асад Дилмурод ўтмишдаги кишилар ҳаётини тасвирлаш орқали бугунги одамлар маънавий дунёсини кўрсатишга уринади. Шу боис аслида ёзувчини ўтмишдан кўра бугун, боболардан кўра болалар кўпроқ қизиқтиради. Тарихий мавзудаги асарлари орасида «Паҳлавон Муҳаммад» романи бугунга хизмат қилиши жиҳатидан алоҳида ўрин тутади. Роман – тарих ва тариҳдаги шахсларга янгича ёндашиш маҳсули. Унда одам тарихга илова эмас, балки ҳаётини шаънига яраша кечириши керак бўлган яратиқ сифатида кўрсатилади. Асарда тарих воситасида одам эмас, одам орқали тарих тасвирланади. Ёзувчи учун ҳаёт реаллигидан кўра бадиий моҳият реаллиги муҳимроқ.



Паҳлавон Муҳаммаднинг шахсияти тўғрисида замондошлари анча кўп ёзишган. Биргина Алишер Навоий уни «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Мажолис ун-нафоис», «Вақфия» ва «Соқийнома» каби тўрт асарида тилга олади. Зайниддин Восифий «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарида ҳам у ҳақда тўхталган. Асад Дилмурод бу маълумотлардан романда фойдаланган бўлсада, Паҳлавон Муҳаммад ҳаётини изчил тасвирлаш ўрнига унинг тенгсиз курашчи ва буюк сўфийлигини таъминлаган жисмоний ҳамда руҳоний омилларни кўрсатишга интилган. Руҳият тасвири пухталиги бадиийтнинг асосий ўлчовидир. «Паҳлавон Муҳаммад» романида персонажлар руҳияти яхши чизилган. Асарда деярли ҳар бир персонажнинг ўйлаш, сўйлаш ва ҳаракат қилиш йўсини бетакрор бўлишига эришилган.

Романда Паҳлавон Муҳаммад шахсига хос истеъдод, босиқлик, ҳалимлик, кечиримлилик, синиқлик, кўзи тўқлик, қўли очиқлик, садоқат, жисмоний қудрат, инсоний ғурур таъсирли акс эттирилган. Кўнгил кишиси бўлмиш Паҳлавон асарда эзгу фазилатларнинг шунчаки йиғиндиси эмас, балки жонли одам сифатида тасвирланган. Унинг ўзида ўзини топиш йўлида заҳмат чеккан, хатолар қилиб қийналган, рақибларидан кўра ўз нафсига қарши курашга кўпроқ куч сарфлаган шахс экани эсда қоларли тарзда кўрсатилган. Асарда Муҳаммаднинг ўз қадрини биладиган, лекин ўзини бошқалардан устун санамайдиган одам, дўст учун жондан кечадиган шахс, бировнинг кўнглига ботмайдиган сўзни топа оладиган суҳбатдош экани ишонарли тасвирланган.

Романда буюк Навоий «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асарида айтган: *«Такаллуфсиз ва муболағасиз подшоҳдин гадогача ва аҳуллоҳдин яхуд ва торсоғача Паҳлавонни севмас киши йўқ эрди»*, тарзидаги ҳақиқат ёрқин акс этган. Паҳлавонни танти, ҳалол, билимли, истеъдодли, сахий ва мард одам бўлгани боис кўпчилик яхши кўриши ишонарли лавҳаларда тасвирланган. Паҳлавон шахсиятига хос энг муҳим жиҳат унинг эрк кишиси экани, ундаги бу сифат отасидан ўтгани, Навоий, Ардашер сингари улуғ сиймолар билан яқинлик унинг табиатидаги бу қиррани янада кучайтиргани бадиий асосланган.

Муаллиф Паҳлавон Муҳаммаднинг кураш-даги ютуқлари омили унинг жисмоний кучидан кўра, юксак руҳоний оламида эканини ишонарли тасвирлайди. У бир умр отаси Абдусаид полвоннинг: *«Олишсанг, ўзингда сочилма, ўзингда йиғил...»*, тарзидаги ўгитига амал қилиб, қалтис ҳолатларда ўзидаги яширин руҳий қувват зарраларини бир жойга йиға олгани боис доим зафар ёр бўлгани асарда таъсирли кўрсатилган.

Асад Дилмурод қайирма ретроспекция усули ёрдамида бир ҳолат сабаб турли руҳий манзара ҳосил бўлишини чизади. Ҳам салтанатнинг, ҳам элнинг, ҳам Паҳлавон ва ҳам Дарвеш Муҳаммаднинг тақдири бирваракайига ҳал бўлаётган ғоят қалтис вазият тасвири орқали Навоий, Султон Бойқаро, Паҳлавон Муҳаммад ва оломоннинг руҳияти ўта таъсирли акс эттирилади.

Романда йигит Алишернинг Султон Абусаид мирзо иродасига қарши бориб, уни мадҳ этишдан ҳам, Ҳусайн Бойқаро олдига элчи бўлиб боришдан ҳам бош тортгани буюк шоирнинг сажиясидан келиб чиқиб тасвирланган. Буюк шоирнинг бу тутумлари ёзувчи иродасининг эмас, балки ўз табиатининг маҳсули сифатида намоён бўлгани таҳсинга лойиқдир. Асарда имконият ҳамиша ҳам саодат бўлавермаслигини, баъзан ортиқча имконият имконсизликдан ёмонроқ экани, ана шундай имконлар Навоий учун кишанга айланиб, руҳига кўп озор бериши табиий акс эттирилган. Улуғ Алишер шахсиятига хос етуклик, бутунлик таъкид йўсинида эмас, балки жонли манзараларда табиий ифодалангани асар савиясини кўтарган.

Асад Дилмуроднинг “Ранг ва меҳвар” романи стилистикаси ва ифода услубидаги ўзига хослик билан ажралиб туради. Асар бошданоёқ ички бир мусиқага қурилган. Ана шу мусиқани илғаб олмаган ўқирман уни ўқиёлмайди, ўқиса-да муаллиф бадиий ниятини англаб етиши қийин кечади.

Романда йиғиқ содда гап ишлатилмаган. Ёйиқ содда гап ҳам жуда сийрак учрайди. Фақат қўшма, қўшма бўланда ҳам, мураккаб эргашган қўшма гаплар ёрдамидаги ифода йўсини асардаги тимсоллар руҳияти тасвирига ўзгача залвор бағишлаган. Бу ҳол мавҳум руҳий ҳолатлар тасвиридаги мубҳамликни кучайтирганидан ўқирман асар билан танишиш асносида ифода замиридаги маънони англаб олиш учун ҳушёр туради.

“Ранг ва меҳвар” романида фабула йўқ даражада. Яъни унда персонажлар кечирган воқеаларнинг ўзи эмас, балки уларнинг образлар руҳиятидаги изларини акс эттиришга диққат қаратилган. Қаҳрамонлар ўтмиш, ҳозир, келажак сингари уч ўлчамли олам ўрнига замоний бирликлар аралашиб кетган ва реалликдан хаёлотга ўтиб кетилаверадиган аралаш дунё оғушида тасвирланади.

Тўлиғича рамз асосига қурилган, ҳар бир ифодаси ўқирманни ўйлантирадиган роман нафс тимсоли Санам, зўравонлик рамзи Тўра ва Носир, олчоқлик тимсоли Азлар Ниёз, суллоҳ Шодмон Чўтирий, устомон Тарвуз домла, Зокир Ғиёсий сингари қора кучлар қанчалик қудратли бўлмасинлар, рассом Комрон, отаси Вали бахши, ўз нафсини енгган Мерган, соддадил Нафиса, покиза Роҳат отин сингари шахслар сиймосидаги эзгуликдан енгилиши тасвирлангани билан диққатга лойиқдир. Чин бадиий асар ҳамиша сирлидир. Назарнинг ўткирлиги, хаёлот учқурлигигина бадиий сирлар калитини топишга ёрдам беради.

Асад Дилмурод ижодида олам ва одамга доир ҳолатлар тасвирида реаллик хаёлот билан, ақлга мувофиқлик иррационаллик билан, сабаб-оқибат изчиллиги мистика билан ёнма-ён келаверади. Бу ўқирманлар тафаккур уфқини кенгайтириб, руҳий оламини ингичкалаштиришга хизмат қилади.

Қозоқбой ЙЎЛДОШ,
профессор

Талқин ва таҳлил

САҲНАДА ЁШЛАР ТАҚДИРИ

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиали ташкил этилгандан буён актёрлик санъати ва режиссёрлик таълим йўналишлари битирувчилари томошабинлар эътиборига тарихий ва замонавий мавзудаги спектакларни ҳавола этиб келишмоқда.

Ўзбекистон халқ артисти М.Сапаева раҳбарлигида «Кончининг қизи», Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист С.Узақбаев раҳбарлигида режиссёрлик таълим йўналиши талабалари билан биргаликда саҳналаштирилган «Адашганлар», «Жамила», «Хор қўшиқчиси», «Меҳмонхона», «Ўлим жазоси», «Қутлуғ бўлсин тўйларингиз» каби диплом спектакллари, К.Заретдинов раҳбарлигида кино, телевидение ва радио овоз режиссёрлиги таълим йўналиши битирувчиларининг М.Ҳайдарнинг «Тузоқ», М.Юсуповнинг «Қалби дарём», Р.Есбергеновнинг «Жавобгарлиги чекланган йигитлар», А.Хожаметованинг «Қимматга тушган маржон», Т.Ўразовнинг «Бир кун қайтар» каби қисқаметражли филмлари шулар жумласидандир.

Бу йил эса филиалда эстрада актёрлиги таълим йўналиши битирувчилари иштирокида драматург Исфандиёр Боғдасаров қаламига мансуб "Хиёнат" драмасини курс бадиий раҳбари, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Бозорбой Назаримбетов саҳналаштирди.

Замонавий, долзарб мавзудаги ушбу спектаклда ота-онаси, маҳалла, ўқитувчилари томонидан назоратсиз қолиб йўлдан адашган коллеж ўқувчиларининг фожеий тақдири кўрсатилади. Ота-онасининг бойлиги билан мақтаниб, кўнгли нимани тусаса шуни қиладиган, ҳаётга бефарқ бўлиб ўсаётган ёшлар тақдири томошабинни лоқайд қолдирмайди.

Педагог-режиссёр Б.Назаримбетов бўлажак актёрлар билан ишлар экан, назоратдан четда қолаётган ёшлар жиноятининг асл сабабларини очишга ҳаракат қилади. Жиноят жазоси, айниқса, ўсмир ёшдаги ўқувчиларга нақадар азоб эканига, бунинг олдини олиш, болаларимизни турли фалокатлардан асраш учун бепарво, лоқайд бўлмасдан, уларни ҳалол меҳнатга ундашга ҳаракат қилишимиз кераклигига урғу беради.

Саҳна очилганда шаҳар хиёбонида спиртли ичимлик ва ниҳоятда баланд мусиқа садолари остида ғалати ҳаракатлар билан рақсга тушаётган коллеж ўқувчиларини кўрамиз. Боғ қўриқчиси уларни тартибга чақирмоқчи бўлади. Қўлидан ҳеч нарса келмагач, милицияга хабар беришга қарор қилади. Милициянинг бу ерга келишини истамаган, ўзини бошқалардан ақлли деб ҳисоблайдиган, чўнтаги доимо пулга тўлиб юрадиган Нурали (И.Бекжанов) қариянинг бошига бир мушт тушириб ўлдириб кўяди. Талвасага тушиб қолган йигит атрофдагиларни тезроқ қочишга ундайди. Аммо ўқиши, хулқи билан бошқалардан ажралиб турадиган Темур (С.Темирханов) "Тез ёрдам"га қўнғироқ қилиш зарурлигини айтади. Лекин ҳамма қочиб кетиб, жасад олдида Темурдан бошқа ҳеч ким қолмайди. У одам ўлдирганликда айбланиб, қамалади. Қамоқхонада тақдири ўзиникига ўхшаш Дима (Б.Айтмуратов) исмли йигит билан танишиб қолади. Дима ҳам айбсиз айбдорлардан бири бўлиб қамалганини айтиб беради.

Қамоқдан чиққач, Темур коллежда ўқишини давом эттирмоқчи бўлади. Айби ошкор бўлиб қолишидан қўрқиб юрган Нурали унга катта пул ваъда қилади. Темур пулдан юз ўгиради. Нурали эса яна жиноятга қўл уриб, коллеждаги компьютерларни ўғирлаб, шериклари билан пуллаб юборади. Нуралининг ота-онасидан доимо совға-салом олиб турган коллеж раҳбари Шаҳло Муратовна (А.Ўтепбергенова) Темурни жиноятчи ҳисоблаб, милицияга топширмоқчи бўлади. У ерга қайтиб боришни истамаган Темур ўз жонига қасд қилишни режалаштиради. Темурни ҳимоя қиладиган на отаси, на онаси бор. Бувисининг қўлидан эса ҳеч нарса келмайди. Йигит бўйнига сиртмоқ солади... Шунда кўз ўнгида пайдо бўлган дўсти Дима билан ғойибона суҳбат қуради.

Ана шу суҳбат Темурга куч беради. Ўз жонига қасд қилиш ниятидан қайтиб, ҳақиқат учун курашга киришади...

Воқеалар кескинлашгани сари томошабиннинг қизиқиши ҳам ортиб бораверади. Айниқса, Темур ролини ижро этган ёш актёр С.Темирхановнинг образни ишонарли чиқиши йўлидаги интилишлари, ёш бўлишига қарамай, Нуралининг маккорона ўй-фикрларини, нафси йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган характерини кўрсатишга ҳаракат қилган И.Бекжановнинг ижроси кўпчиликнинг эътиборини тортди. Темур ёлғиз қолганида ёки дўсти Дима билан хаёлан гаплашган саҳналарида томошабин кўзига беихтиёр ёш қалқийди. Сабаби, бугунги тўкин-сочин замонда ҳар хил йўлга кириб жиноят содир қилаётган ёшларнинг иштироки ҳаммани бирдай ташвишга солмоқда. Уларни турли бало-қазолардан асраб-авайлаш, қалб кўзини очиш, тўғри қадам босишга ўргатиш, дилларига ватанпарварлик, инсонийлик туйғуларини сингдиришда катталар масъул экани спектакль аксини топган.

Бош ролларни маҳорат билан ижро этган С.Темирханов, И.Бекжанов қатори Г.Қурбонова, Қ.Рейимбаев, М.Кенжеев, З.Юнусова, Р.Мамутов, А.Ўтепбергенова, И.Сарсенбаева, Турсунов, Б.Таировлар тўрт йил давомида олган билим ва кўникмаларини "Талабалар ижодиёти фестивали"да намойиш қилдилар.

Шуни айтиш керакки, спектаклдаги оммавий саҳналарда, урушиш, жанжаллашиш, жисмоний ҳаракатлар жараёнида, сўзлаш ва муомалада бироз камчилик кўзга ташланди. Айниқса, фикрни ифодалашда, саҳна нутқи масалаларига, қоидаларига риоя қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Президентимизнинг "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқида фарзандларимизга тўғри тарбия бериш, уларнинг юриш-туриши, кайфиятидан доимо огоҳ бўлиш, биринчи навбатда, давомат масаласида ниҳоятда жиддий ишлашимиз лозимлиги, уларни илм-фанга қизиқтириш, иш билан таъминлаш, керак бўлса, ухламасдан ҳаракат қилишимиз зарурлиги борасида қатор фикрлар айтиб ўтилди. Таълим соҳасида ҳар соатда, доимий ва тизимли равишда иш олиб бориш кераклиги, мафкура соҳасида бўшлиқ деган нарсанинг бўлмаслиги учун санъат соҳаларида амалга оширилаётган ишларга, жумладан, фестивалларга, спорт мусобақаларига ёшларни кенг жалб қилиш муҳим масала эканига алоҳида урғу берилди. "Ўз болангни ўзинг асра" деган даъват ҳам бекорга айтилгани йўқ.

"Хиёнат" каби саҳна асарларининг кўпроқ саҳналаштирилиши ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз.

Гўзал ХОЛИҚУЛОВА,
санъатшунослик фанлари номзоди, доцент

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК БАЙРАМИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Бинобарин, олдинда амалга ошириладиган ишлар кўп. Бундан ташқари, театр соҳасида ҳамкорлик ишлари режалаштирилмоқда. Россиянинг йирик театрлари Ўзбекистон театрларининг техник ходимларини малака ошириш учун қабул қилишга тайёр. Шунингдек, икки давлат етакчи театрлари гастрол сафарларига рози.

Ўзбекистон Маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев ва "Ўзбекистон — Россия" Дўстлик жамияти билан ҳамкорлик қилаётган Россия ҳамда Ўзбекистон Дўстлик ва ҳамкорлик жамияти раиси Игорь Круговых учрашувида ҳам айнан шу масалалар хусусида сўз борди. Икки мамлакатнинг бугунги ва келажакдаги режалари, маданий-инсонпарварлик йўналишидаги қизиқарли маълумотларни ўзаро алмашиш, бу борада амалга ошириладиган ишлар ҳақидаги суҳбат сермазмун ва конструктив характер касб этди. Зеро, бундай алоқалар халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Кремль саройида ўтган концерт ҳақида Ўзбекистон халқ артисти, балетмейстер Қодир Мўминов шундай деди:

— Ушбу маҳобатли саҳнада "Ўзбекистон" ашула ва рақс, "Навбаҳор", "Мақом" ансамбллари, "Ўзбегим" гуруҳи юксак савияда ижро маҳоратини намойиш этди. Камолиддин Ўринбоев раҳбарлигидаги Ёшлар симфоник оркестрининг муваффақияти ҳаммамизни қувонтирди. Томошабинлар барча жамоаларнинг, жумладан Фаррух Зокиров раҳбарлигидаги афсонавий "Ялла" ансамблининг, Моцарт, Верди, Пуччини каби буюк композиторлар операларидан ариялар куйлаган Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри етакчи солистлари, Минкуснинг "Дон Кихот" балетидан парчалар ижро этган балет артистларининг чиқишларини қандай ҳис-ҳаяжон, қувонч, гулдурос қарсаклар билан кутиб олганларини таърифлашга тил ожиз. Мухлислар ҳар бир чиқишимизга жўр бўлиб туришди. Бу бизга ишонч ва куч-қувват бағишлади.

Декоратив-амалий ва халқ санъати Бутунроссия музейида "Россия Федерацияси тўпламларида Ўзбекистон маданий мероси" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Эрмитаж, Третьяков галереяси, Россия Миллий кутубхонаси, Россия Этнография музейи, Россия ФАнинг Шарқ қўлёзмалари институти вакиллари қатнашди. Тадбир давомида Россиянинг етакчи музей ва кутубхоналарига "Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида" номли маданий-маърифий лойиҳанинг беш жилдли нашри совға қилинди ҳамда ўзбек санъати асарлари кўргазмаси очилди.

Маданият кунларининг якуни бошланишидек юқори савияда ўтди. "Космос" концерт залида ўзбек санъаткорларининг катта концерти намойиш этилди. Ҳамкасблар, ҳамюртлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувлар, янги учрашувлар ҳақида аҳдлашувлар... Унутилмас лаҳзалар...

Ҳа, бугун Ўзбекистон давлатлараро ҳамкорликнинг янги босқичига қадам қўйди. Юксак савияда ўтган Ўзбекистон маданияти кунлари юртимиз маданият ва санъат арбобларининг Россия Федерацияси бўйлаб қиладиган ижодий сафарлари дебочаси бўлса ажабмас. Зеро, бу тадбир бепоён мамлакатнинг Москва, Санкт-Петербург, Абакан, Уфа, Владимир, Қозон, Якутск, Улан-Удэ, Тоғли Олтой каби шаҳарларидан "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида қатнашиб, беқиёс Регистон майдонида ўзига хос санъатини намойиш этиб келаётган санъаткорлар билан ҳамкорлик ришталарини боғлашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатлараро маданий ҳамкорлик томон муҳим қадам ташланди. Қисқа муддат — уч кун давомида маданият ва санъатимиз намояндалари улкан ютуқларимизни иччам тарзда муносиб намойиш этишга муваффақ бўлдилар. Яқин келажакда бундай анжуманлар мунтазам давом этади, деб ўйлаймиз.

Г.УМАРОВА,
Ф.ФАХРУТДИНОВА

ФАХРИЙЛАР КУЙЛАГАНДА

Тадбир

Пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" ҳамда Мустақиллигимизнинг 26 йиллигига бағишлаб «Фахрийлар куйлаганда» деб номланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Боғ маъмурияти ташаббуси билан Ўзбекистон фахрийлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Тошкент шаҳар кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирни кенгаш раиси Рустам Калонов кириш сўзи билан очди. Концерт дастурида таниқли санъаткорлар Хайрулла Лутфуллаев, Гулсара Ёқубова, Матлуба Дадабоева, Ғуломжон Ёқубов, Маъмура Эргашева, Ҳадия Юсупова, Холисхон Қодирова, Икромжон Бўронов, Султонпошша Ўдаева, Олимжон Орифжонов, Абдушоир Салимов, хонанда Абдуллажон Ғофуров ҳамда рақҳоса Жамилахон Ҳамидова қатнашди. Концертни Тошкент шаҳри туманларидаги маҳаллалардан келган нуронийлар ва ёшлар томоша қилишди.

— Бугунги маданий-маърифий байрам тадбирини ташкил этган маданият ва истироҳат боғи маъмурияти ҳамда Ўзбекистон фахрийлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Тошкент шаҳар кенгашига ўз миннатдорлигимни билдираман, — деди меҳнат фахрийси Санобар Ҳўжаева. — Айниқса, Ўзбекистон, Қорақалпоғистон халқ артистлари Хайрулла Лутфуллаев, Ғуломжон Ёқубов, Маъмура Эргашева, Ҳадия Юсупова ва Холисхон Қодирова ижро этган ашулалар биз кексаларга ёшлик даврларимизни эслатди. Ҳаммамиз яшаргандай бўлдик.

Тадбир сўнгида иштирок этган фахрий санъаткорлар таъсисчиларнинг ташаккурнома ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Муҳаммаджон ҚОЗОҚБОЕВ

МАНГУ ЛАҲЗАЛАР

Тошкент Фотосуратлар уйида очилган "Суратга муҳрланган мангу лаҳзалар" номли кўргазма XX аср ўзбек адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 110 йиллигига бағишланди. Экспозициядан уй-музей фондида сақланиб келинаётган фотосуратлар ўрин олган.

Шуниси эътиборлики, Абдулла Қаҳҳор нафақат моҳир ёзувчи, балки истеъдодли фотосуратчи ҳам бўлган. Ўзбекистон Қаҳрамони, ёзувчи Саид Аҳмад хотираларида шундай ҳикоя қилади: "Хулласи, Абдулла аканинг боғида икки кун қолиб суврат олишни, ишлаб, кўчиришни ўргатдим". Орадан бирон ой ўтиб Кибриё опа Саидахон билан учрашиб қолади. Ҳасратидан чанг чиқиб нолийди: "Айтган гапингиз бўлди. Ҳамма ишни йиғиштириб қўйиб, суврат олишдан бўшамай қолдилар. Ҳатто итимиз Дозорнинг ҳам сувратини беш-ўн марта олдилар. Бу фото бошимизга бало бўлди". Адиб ҳаётнинг кўз илғамас оний лаҳзаларини кадрларга муҳрлай оларди. Адиб уй-музейи экспозициясидан ўрин олган фотоларнинг эллик фоизини ана шундай асарлар ташкил этади. Ёзувчининг кўп мамлакатларга қилган саёҳатларида ён дафтари ва севимли фотоаппарати унга ҳамроҳ эди. Экспозициядаги ҳар бир сурат алоҳида тарихга эга.

Тадбир Ўзбекистон Маданият вазирлиги Абдулла Қаҳҳор уй-музейи, Ўзбекистон Бадиий академияси, Тошкент Фотосуратлар уйи, "LUCHSHIY ZELENIY CHAY" фирмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

С.ҚОСИМОВА
А.ПОПОВ олган сурат

УСТОЗ АДИБНИ ЁД ЭТИБ

Умр ибрати

Шундай ёзувчи, шоирлар бўладики, уларнинг асарларисиз бирор миллий адабиётнинг, демакки, маданият-маърифатнинг тараққиёт йўлини тасаввур қилиш мушкул. Ўзбек адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор ана шундай ижодкорлардан эди. Том маънода сўз санъаткори бўлган моҳир адиб адабиётни ҳаётининг мазмуни деб билди, умри давомида ўткир қалами воситасида халқига, юртига хизмат қилди. Унинг асарлари нафақат ўзбек, балки дунё адабиёти хазинасидан мустаҳкам ўрин олди.

Куни кеча Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан шоир уй-музейида бўлиб ўтган хотира тадбири қатнашчилари ҳам адиб ва унинг ижоди ҳақида илиқ ва самимий фикрларни айтишди.

— Абдулла Қаҳҳор асарлари бир неча ўн йилликлардан буён барча ёшдаги китобхонлар томонидан севиб ўқиб келаётган ёзувчилар сирасига киради, — деди ўз сўзида профессор, академик олим Бахтиёр Назаров. — Шуни айтиш керакки, адиб асарлари, айниқса, ҳикоя ва новеллалари юртимиздан ташқарида ҳам эътироф этилган. Хусусан, Россиянинг таниқли шоирлари Твардовский, Симонов, танқидчи Смирнова адиб асарларига алоҳида эътибор бериб, айнан ҳикоялари дунё миқёсида тан олинган Генри, Чехов, Мопассан сингари ёзувчилар орасида муносиб ўринга эга эканини айтишган. Зеро, айнан Чехов ва Гоголни адиб ўз устозлари деб биларди.

Эътиборли жиҳати шундаки, А.Қаҳҳорнинг барча драматик асарлари ўз даврида катта шуҳрат қозонган. Жумладан, таржима асарлари ҳам мухлислар ва мутахассислар томонидан қизғин кутиб олинган Гоголнинг "Ревизор" асари А.Қаҳҳор таржимасида сентябрь ойи бошида Ўзбек Миллий академик драма театрида қайта саҳналаштирилгани фикримиз далилидир.

Хотира кечасида сўзга чиққанлар бетакрор ёзувчи ҳақида кўп илиқ гапларни айтиб, хотиралари билан ўртоқлашишди. Таниқли адабиётшунос олим, профессор Умарали Норматов шахсий архивида сақланаётган китоблар, брошюраларни Музей директори Дилдора Рафиқовага сақлаш учун топширди. Шунингдек, директор анжуман қатнашчиларига ёзувчининг 110 йиллигига "Akademnashr" нашриётида чоп этилган А.Қаҳҳорнинг "Ёшлар билан суҳбат" китобини совға қилди. Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий ижросидаги мумтоз ашулалар даврага файз бағишлади. Энг асосийси, тадбир 1964 йили ёзувчи ўз қўли билан ўтқазган, ҳамон мева бериб келаётган беҳи дарахти соясида самимий ва дилкаш вазиятда бўлиб ўтди.

Флора ФАХРУТДИНОВА

ЖАВОҲИР ВА ИСТЕЪДОД

Камол эт касбким

Доира чалишга ҳавас, аслида, болаликдан бошланади. Бу кўҳна чолғунинг жарангдор садоси қобилиятли ёшларни илҳомлантиради, билагига куч, ғайрат бағишлайди. Бухоролик ёш созанда Жавоҳир Зоҳиров ҳам қўлига доира олганида етти ёшда эди. Шундан буён бу мусиқа асбоби унинг ажралмас дўстига айланган. Бухоро шаҳридаги мусиқа ва санъат мактабини битирган Жавоҳир пойтахтимизда ўтган М.Қориёқубов номидаги ёш ижрочилар республика кўрик-танловининг анъанавий ижрочилик йўналишида фахрли учинчи ўринни эгаллади. Бу муваффақият ёш созандага Санъат коллежига имтиёзли тарзда ўқишга кириш имконини берди. Устози, тажрибали мусиқа педагоги Ҳайдар Холовнинг таъкидлашича, Жавоҳир ҳозир доира сирларини мукаммал ўрганиш йўлида ғайрат билан изланмоқда. У зарбли чолғулар йўналишида ўтказиладиган халқаро танловларда ҳам иштирок этишни мақсад қилган.

Санъат нашрларида

"МОЗИЙДАН САДО"
2017 йил 3-сон

Журналнинг мазкур сони Ш. Бўтаевнинг "Маънавият – барқарорлик, бунёдкорлик ва тараққиётнинг асоси" номли мақоласи билан очилади. Унда юртимизда санъат ва маданият соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида сўз юритилган.

О.Погорелованинг "Самарқанд музейи фондидан" мақоласида музейда сақланаётган қадимий тангалар ҳақида қимматли маълумотлар берилган бўлса, К.Крахмалнинг "Чотқол қўриқхонаси музейи" мақоласида юртимиз табиати билан боғлиқ ёдгорликлар ҳақида мулоҳаза юритилади. М.Аҳмедовнинг "Ўрта асрлар узунлик ўлчовлари" мақоласи тарихий ёзма манбаларга таянган ҳолда ёзилгани билан эътиборни тортади. Г.Имомованинг мақоласи Ўзбекистон замонавий рангтасвирида изланиш олиб бораётган рассом Нодир Имомов ижодининг бадиий концепцияси таҳлилига бағишланган. Ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг бетакрор асарларини кўпчилик яхши билса-да, унинг фотограф сифатидаги маҳоратидан хабардор бўлмаслиги мумкин. Д.Рафиқованинг "Абдулла Қаҳҳор фотоларида ҳаёт акси" номли мақоласи ана шу ҳақда. Бухородаги биринчи музей ва Бухоро амирининг Когондаги саройи ҳақида билишга қизиқувчилар бу ҳақдаги маълумотларни А.Болтаев ва З.Ҳамидова мақолаларидан олишлари мумкин.

Шунингдек, К.Раҳимов, О.Мамировнинг "Уструшона ёдгорлиги", Н.Гилмановнинг "Бобур масжидлари", З.Алимовнинг "Бухоро араб олими нигоҳида", З.Алимардонова, А.Бобохожаевнинг "Искандар кўприги", "Навоий ижодида удчолғуси", М.Набиевнинг "Буюк алломалар: мусиқий бағишлов", Д.Жамоловнинг "Ислоҳотчи муфти", Ҳ.Тошкенбоевнинг "Темурийлар даврида томоша санъати" ва бошқа мақолалар ҳам журналхонларда қизиқиш уйғотади, деб ўйлаймиз.

Гули НОДИР қизи

"SAN'AT"
2017 йил 3-сон

Журналнинг янги сони Оксана Кадишеванинг мамлакатимизда ўтган "Ўзбекистон маданий мероси — халқлар ва давлатлар ўртасидаги мулоқотга йўл" халқаро конгрессига бағишланган мақола билан очилади. Дилмурод Пўлатовнинг "Наманган Бадиий галереяси" мақоласида Наманган шаҳрида очилган янги санъат кошонаси ҳақида сўз юритилса, санъатшунос Бинафша Нодирнинг "Авлодларни боғловчи ришта" таҳлилий материалида Тошкент Фотосуратлар уйида бўлиб ўтган Марғилон абр матолари кўргазмасига баҳо берилади.

"Санъат тарихи" рукнида Жангар Илёсов ҳамда Равшан Имомбердиевнинг "Шарқий Қашқадарёда аниқланган одамсимон тасвирли сирланган коса", Додо Нозиловнинг "Жез идишдаги архитектура тасвирининг ҳаётдаги кўринишини тиклаш масаласи" сарлавҳали тадқиқотлари берилган. Шунингдек, журналнинг бу сонида истеъдодли ўзбек рассомларига бағишланган Нигора Ёдгоровнинг "Реалистик рангтасвир устаси Юсуф Елизаровнинг ижодий йўли", Шаҳноза Қосимованинг "Нафосатга йўғрилган ижод", Гулжаҳон Тумеровнинг "Ҳинд диёрига нур улашган Раъно", Дилдора Умаровнинг "Моҳир мусаввир, ажойиб педагог..." номли мақолаларини ҳам ўқийсиз.

"МУҲАББАТ АЛАНГАСИ"

Таниқли мусаввира Дилором Мамедова яратган асарлар фасллар тароватидан олинган таассуротлар, кузатишлар, сафарлар маҳсули, десак муболаға бўлмайди. Рассом ижодининг мавзуси кенг, юртимизда унинг мўйқаламига тушмаган бирор гўша йўқ. Тошкент Фотосуратлар уйида намойиш этилган "Муҳаббат алангаси" номли кўргазмаси бунинг ёрқин далилидир. Д.Мамедова нафақат борлиқни, балки инсоннинг қалб кечинмаларини ҳам рангларда жонлантиришга ҳаракат қилади. У ҳар бир лаҳза, кунни шунчаки ўтказиб юбормайдиган ижодкорлардан. Ўз йўли, услуби, дастхатига эга бўлган ижодкор мамлакатимизда ўтадиган рангтасвир байрамлари ва кўргазмаларнинг фаол иштирокчиси. Унинг "Ҳовлича", "Умидимсан", "Тандир қизиганда", "Соғинч", "Очиқ эшик", "Кутиш", "Болаликни эслаб", "Сарчашма", "Баҳордаги қуёшли ҳовли", "Остона. Қишлоқ қизалоғи", "Ишкомли файзли ҳовлича", "Хива", "Бухоро", "Очиқ эшик олдида" сингари асарларини кузатган томошабин рассом тасвирий санъатнинг машаққатли довонларидан яна бирини матонат билан ошиб ўтганига гувоҳ бўлади.

Д.Мамедованинг фаол ва самарали ижодий меҳнати муносиб баҳоланиб, мамлакатимиз Мустақиллигининг йигирма олти йиллиги арафасида у "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

С.ҚОСИМОВА

ЎЗБЕГИМ ДЎППИЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Маданият ва санъат кўргазмаси "Лайлак қўнди" маданий мерос биносида "Ўзбегим дўппилари" номли кўргазма ташкил этди. Ундан икки юздан зиёд дўппилар ҳамда рассомлар Иброҳим Валихўжаев, Дилшод Назаров, Дилшод Эшматов, Шуҳрат Абдумаликов, Алишер Умрзоқов ва Алишер Назиров сингари кулолларнинг ижодий ишларидан намуналар ўрин олган.

Ўзбекистонда дўппилар бош кийим сифатида ўрта асрларда кенг тарқалган. Дўппи тикиш санъати авлоддан-авлодга, онадан қизига ўтиб келмоқда. Момоларимиз мўъжаз дўппиларда халқнинг тарихи, кўрган-кечирганлари, орзу-умидини акс эттиришган. Эркаклар дўпписи учун асосан қора сатин ёки бахмал, аёллар дўпписига шойи, бахмал, парча матолар ишлатилади ва бисер, майда метал унсурлар билан безатилади. Юртимизнинг ҳар бир вилоятида турфа кўринишдаги дўппилар мавжуд. Масалан, Сурхондарё ва Қашқадарёда думалоқ кўринишдаги дўппилар бир-биридан кескин фарқ қиладиган иплар билан тикилган бўлса, Бухоро дўппиларида кўпроқ зар иплар ишлатилган. Фарғона дўппилари энг қадимий ҳисобланади. Шу билан бирга, Чуст, Марғилон, Қўқон, Андижон дўппилари ҳам машҳур бўлган. Деярли барча вилоят дўппиларида миллий тимсоллар тасвирланади. Яна гул ва япроқ, ғунча, доира шакллар билан безатилади. Тошкентда дўппининг "шабпуш" тури оммалашган. Уни нафақат қўлда, балки тикув машинасида ҳам тикиш мумкин. Асосан чит матодан тайёрланади. Тошкентнинг духоба дўпписи сидирға бахмалдан, Бухоро дўпписи сидирға ёки гулли бахмалдан тайёрланади, ранг-баранг ипакдан йўрма усулида каштали жияк тикилади.

Юртимизда жуда кенг тарқалган дўппи — ироқи нусхаси. Шахрисабзда кенг урф бўлган, кейинчалик бошқа жойларга ҳам тарқалган. Тошкент ва Фарғона водийсида кенг тарқалган ироқи дўппилар гулли новдалар, яшил, кўк тусли қушчалар шакли билан безатилади. Бухоронинг тилла толали дўпписи бошқаларга қараганда сержило, одатда, думалоқ ёки тўртбурчак шаклда бўлиб, унда ўсимлик ёки геометрик шакллар мужассам. Бу турдаги дўппилар қадимда амир ва сарой аъёнларининг бош кийими ҳисобланган.

Хуллас, ҳар бир ҳудуднинг табиати ва турмуш тарзига мослаб тикилган дўппилар бир-биридан нафислиги, матоларнинг табиийлиги билан кўргазмага келганларни ҳайратлантирди. Байрам тарзида ташкил этилган мазкур кўргазма йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

АНЖУМАНДАН АНЖУМАНГАЧА

"Шарқ тароналари – 2017" халқаро мусиқа фестивали доирасида ҳар доимгидек "Шарқ халқлари мусиқа маданиятида миллий анъаналарнинг шаклланиши ва ривожланиши" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтганидан илмий жамоатчилик хабардор. Мазкур анжуманда 18 нафар чет эл ва 11 нафар ўзбекистонлик мусиқашунос олимлар маърузалар билан қатнашиб, йиғилганларни янги илмий изланишлари ва тадқиқотлари билан таништирдилар.

Конференцияга Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори, санъатшунослик фанлари доктори Рустамбек Абдуллаев раҳбарлик қилди. Маърузаларда Буюк Британия, Германия, Латвия, Литва, Польша, Эрон, Корея, Япония, Вьетнам, Тожикистон, Қирғизистон ва бошқа давлатлардан келган етакчи мусиқашунос-олимлар билан бирга юртимиздан ёш тадқиқотчи-изланувчилар ҳам қатнашгани мамлакатимизда ёшларга берилаётган имкониятлар, уларнинг илмий салоҳиятини ўстиришга қаратилган ғамхўрлик ва эътибор самарасидир.

Биринчи илмий анжумандан бошлаб мазкур 11-анжуманга дунёнинг кўплаб фан арбоблари, санъатшунос-олимлари ўз маърузаларида мусиқа илми ривожланиши айнан Шарқ мусиқаси билан боғлиқ эканини ва бу барча изланишларда намоён бўлаётганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Ушбу конференцияда ҳам Шарқ оламининг номоддий маданий меросини, мусиқа тарихини, урф-одатларини, оғзаки анъанадаги профессионал мусиқаси тарихини ўрганиш эътибор марказида бўлди. Ўрта аср олим ва уламоларининг маданий мероси, жумладан, Форобий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Сафиуддин Урмавий, Абдулқодир Марағий, Нажмиддин Кавкабий, Дарвеш Али Чангий ижоди, илмий асарлари ўрганилиб, ўзбек мусиқа санъатининг хорижий Шарқ халқлари мусиқа ижодиёти билан муштараклиги таъкидланди. Улардаги умумий жиҳатлар бундан кейин ҳам асосланган ҳолда илмий ўрганилиши зарурлиги қайд этилди.

Анжуман якунида маърузалар юзасидан савол-жавоблар бўлди, мулоҳазалар билдирилди. Зеро, бундай баҳс-мунозаралар, санъатшунос ва ижрочиларнинг баҳслари Шарқ мусиқа дунёсини атрофлича, чуқур ва илмий асосланган ҳолда ўрганиб, унинг янги-янги қирраларини аниқлашга, ёш изланувчи олимлар тадқиқотларига замин яратади ва уларни илмий янгиликлар сари ундайди.

Ирода ҒАНИЕВА,
Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти, санъатшунослик фанлари номзоди

"ЖАҲОН АДАБИЁТИ"
2017 йил, июл сони

Анъанавий "Навоий сабоқлари" туркумида "Наводир уш-шабоб"га кирган учинчи — "Юзинг кўзгусидан..." деб бошланадиган ғазални ўқийсиз. Ушбу ғазалнинг шарҳи, умумий мазмун-маъноси ҳақида навоийшунос Д.Юсупова мулоҳазалари, В.Рождественский ва А.Обид томонидан амалга оширилган русча ҳамда инглизча таржималари билан танишасиз.

Адабий-бадиий нашрлар

"Жаҳон адабиёти дурдоналари" рукнида машҳур рус адиби Борис Пастернакнинг "Доктор Живаго" романи таржимасидан парча эълон қилинган. Таржимон Санжар Содиқ.

Япония маданиятининг олтин асрига оид бетакрор дурдона — "Япониянинг қадимги ва янги қўшиқлари тўплами"да ўн асрдан кўпроқ вақт давомида япон шоирлари ёзган бешликлар жамланган. Япон мумтоз шоирларининг ижод намуналарини рус тилидан Минҳожиддин Мирзо таржима қилган. "Буниндаги мусулмон Шарқи маънавий қарашларига холислик, сарчашмаларимизни соф ҳолда қадрлаши, дунёдаги энг комил маданий тараққиётга муҳаббат қўйгани: ҳам шеърият, ҳам ҳақиқат маёғи сифатида ўлмас аҳамиятга эгадир", деб ёзади Вафо Файзуллоҳ. Унинг таржимасида Иван Буниннинг Шарқ мавзусидаги шеърларидан баҳраманд бўласиз.

Ўзбек адиби Неъмат Арслоннинг "Аширит" ва қатарлик ёзувчи Ҳисса ал-Қаҳтонийнинг "Аҳду паймон" (араб тилидан Ш.Аҳмедов таржимаси) ҳикоялари замонавий наср ихлосмандларига манзур бўладиган асарлар.

"Журналнинг ушбу сонида иккита драматик асар ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган. Бири машҳур француз адиби Жан-Поль Сартр қаламига мансуб "Ёпиқ эшик ортида" номли пьеса (таржимон Ш.Назарова), иккинчиси венгриялик таниқли болалар ёзувчиси Дюла Урбаннинг "Пишлоқхўрлар" асари (таржимон Ҳ.Маҳмудова). Шунингдек, ушбу сонда адабиётшунослик, жаҳон маданияти ва санъатининг долзарб мавзуларига бағишланган мақолалар ҳам босилган.

БИРИНЧИ КИТОБЛАР ТАҚДИМОТИ

Ёзувчилар уюшмасида

Мамлакатимизда истеъдодли ёш ижодкорларнинг биринчи китобларини "Ижод" фонди ҳомийлигида нашр этиш адабиётимиз ривожига қаратилган амалий ишлардан бири сифатида эзгу анъанага айланди. Яқинда юртимизнинг турли ҳудудларида яшаб ижод қилаётган 21 нафар ёш ижодкорнинг 19 номдаги илк китоби нашр этилди. Ёзувчилар уюшмасида ўтказилган ана шу янги китоблар тақдимотига бағишланган тадбирда шоирлар, ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вакиллари ва ёш ижодкорлар иштирок этишди.

Тадбирни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али очиб, мамлакатимизда ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлади, ёш ижодкорларнинг биринчи китоблари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори ижросига қаратилган амалий ишлардан бири бўлганини айтиб ўтди.

Отабек Манглиевнинг "Кўнглинг менинг Ватаним", Гулруҳ Худоёрованинг "Сен ҳақингда сўз айтсам", Мансур Жумаевнинг "Оқ орзуларим", Аллаяр Дарменовнинг "Ой дўст", Дилмурод Дўстбековнинг "Кўксимдаги қуш", Шоҳсанам Нишонованинг "Икрор", Абдуманноб Мансуровнинг "Кўнглим харитаси", Ҳумоюн Қувондиқовнинг "Юлдузлар шивири", Элёр Муродовнинг "Тириклик қўшиғи", Сайфиддин Окановнинг "Энг чиройли уй", Шоҳиста Эргашеванинг "Ўн саккизим", Аслиддин Сабриддиновнинг "Тонг" номли шеърий тўпламлари, Нодирахон Ибрагимованинг "Ёнингдаги бахт", Манзура Абдуллаеванинг "Қумғон", Байрамали Қўлдошевнинг "Куз ёмғирлари" номли ҳикоялар тўпламлари, Сирожиддин Рустамовнинг "Катта танаффус", Сардорбек Ҳамроевнинг "Баҳодир" номли драматик асарлар тўпламлари, Зилола Намозованинг "Кўзуга айланган кўнгил" номли адабий-танқидий мақолалар тўплами ҳамда Дилфуза Қурбонова, Мунира Менглиева ва Вазира Мирзаеванинг ўзбек адабиёти намуналарини инглиз тилига ва жаҳон адабиётидан она тилимизга ўгирган таржималари жамланган "Парвоз" номли китоби Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан ҳар бири ўн минг нусхадан лотин ва кирилл алифболарида нашр этилгани юртимиздаги барча китобхонларга ажойиб туҳфа бўлди. Ушбу китоблар мамлакатимиздаги таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар ва маҳалла кутубхоналарига бепул тарқатилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари, Халқ шоири Иқбол Мирзо, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Мажид, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Республика Ёш ижодкорлар кенгаши раиси Меҳриноз Аббосова, Шарифа Салимова, Қозоқбой Йўлдошев, Сайди Умиров, Бегойим Холбекова ва бошқа ижодкорлар биринчи китоблардаги ижод намуналарининг бадиий тасвир воситалари, бетакрор ташбеҳлари, тили, мазмун-мундарижаси ва пафоси ҳақида гапирдилар.

Тадбирда биринчи китоблар муаллифларига юз донадан китоб ва белгиланган тартибда қалам ҳақи тақдим этилди. Биринчи китоби чиққан муаллифлар номидан Шоҳиста Эргашева сўзга чиқиб, ёшларга кўрсатилган ғамхўрлик учун Президентимизга самимий миннатдорлик изҳор этди.

Ахборот хизмати

БАЙРАМ ШУКУҲИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг "Дўрмон" Ижод уйида ўтказилган "Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!" шиори остида мамлакатимиз мустақиллигининг 26 йиллигига бағишланган байрам тадбирида ёзувчилар, шоирлар, журналистлар, Уюшма муассислигидаги газета-журналларнинг ижодий ходимлари, Ёзувчилар уюшмаси ва Халқ банки "Дўстлар" клуби вакиллари ҳамда ёш ижодкорлар иштирок этишди.

Тадбирни Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али очиб, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик нутқида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини муносиб қадрлашга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида билдирилган фикрлар ижод аҳлига кўтаринки руҳ бағишлаганини айтиб ўтди. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз муносабати билан Президентимиз Фармонига биноан бир гуруҳ адиблар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлангани эса Ёзувчилар уюшмасининг барча аъзоларини ниҳоятда севинтирганини ва бу ўз навбатида ижодкорлар зиммасига катта масъулият юклаганини таъкидлади.

Байрам тадбирида Ёзувчилар уюшмаси томонидан ўтказилган "Ватан учун яшайлик" танлови ғолиблари мукофот ҳамда диплом билан тақдирланди.

Энахон Сиддиқова, Мирпўлат Мирзо, Фарида Афрўз, Наргиза Асадова ва бошқа ижодкорлар сўзга чиқиб, мамлакатимизда адабиётни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда ёзувчилар янада фаол бўлиши зарурлиги ҳақида фикр билдирдилар ҳамда Мустақиллик, Ватан мавзусидаги янги шеърларини ўқидилар.

Тадбирда Ёзувчилар уюшмаси азолигига қабул қилинган ижодкорлар Абдурасул Жумақулов, Абдусаттор Жуманазаров, Абдулла Айзов, Наргиза Асадова, Гулбаҳор Саидғаниева, Бийсенбай Бекмуратов, Пўлат Айтмуратов, Маҳмуджон Абдуллаевга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Санъаткорлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар тадбир иштирокчилари кўнглига завқ бағишлади.

Ахборот хизмати

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети 2018 йил учун таянч докторантурага (PhD) "Ўзбек тили. Ўзбек адабиёти" мутахассислиги бўйича танлов эълон қилади.

(Ўринлар сони: 8 та, мақсадли тайёрлов учун 2 та)

Таянч докторантурага (PhD)

1.Ҳужжатлар 2017 йилнинг 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.

2.Таянч докторант (PhD) сифатида ўқишга талабгорлар олий таълим муассасасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- ариза;
- қисқача таржимаи ҳоли;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки магистр даражаси жорий этилганига қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
- Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК талабида белгиланган илмий журналлар ва тўпламларда эълон қилинган илмий мақолалар рўйхати;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.

3.Таянч докторант (PhD) сифатида ўқишга талабгор шахслар чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил бўйича) ва мутахассислик фани бўйича кириш имтиҳонлари топширадилар.

4.Кириш имтиҳонлари 2017 йил 1-25 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, "Ёшлик" шаҳарчаси, Университет кўчаси, "В" ўқув биноси, 2-қават, 211-хона
Маълумот учун тел: (90)937-65-86

ЛОҚАЙД БЎЛМАЙЛИК

Огоҳлик

Халқимиз орасида «Сув балосидан, ўт балосидан ўзинг асра» деган мақол бежизга тез-тез янграб турмайди. Ҳар иккиси ҳам инсоният бошига жабр-ситамларни солади. Айниқса, ўт-олов ёниб турган жойда лоқайдликка берилиб бўлмайди. Барча тармоқларда, жумладан, халқ таълими тизими шахобчаларида ҳам ёнғин хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим ташкилий ва тарбиявий ишлардан биридир. Улар кўзига жозибали кўринган оловнинг ўта хавфлилиги, содир бўлган ёнғинларнинг оғир оқибатларини тушунтириб бориш зарур. Ўқувчиларга ёнғиндан сақланиш ва ёнғинларнинг олдини олишга қаратилган бирламчи билим ва кўникмаларни сингдириб бормоқ даркор.

Халқ таълими муассасаларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашда Республика Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари, вилоят ИИБ ёнғиндан сақлаш бўлими мутахассисларининг кўрсатмалари асосий дастур бўлмоқда. Кейинги йилларда ўқув масканларида ситиш печлари, ўчоқлар ишга туширилгач куз ва қиш даврларида ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш анъанага айланиб қолди. Шу ойлик давомида халқ хўжалиги бинолари ва шахсий уй-жойлар, ўқув масканларини ёнғиндан сақлаш талаблари бўйича текширувдан ўтказилади, аниқланган камчиликлар бартараф этилади.

Энг аввало, мактабларда, болалар боғчаларида бирламчи ўт ўчириш воситаларининг борлиги, бинолари-да ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун масъул ходим бириктирилганлиги, уларнинг иши тек-ширувдан ўтказилди. Бугун жаҳонга юз тутаётган юртимиз бойликларини, табиатни ва шу заминда яшаб меҳнат қилаётган барча фуқороларни ёнғиндан асраш нафақат шу соҳа ходимларининг, балки кенг жамоатчиликнинг бурчидир. Ёнғинларни ўчиришдан кўра уларнинг олдини олиш осонроқ, буни эса ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз зарур.

Ж.САТТОРОВ, Ф.ЭРМАТОВ,
ёнғин хавфсизлиги ходимлари

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди уюшма аъзоси

Усмон ҚЎЧҚОРнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректорати ва жамоаси институтнинг катта ўқитувчиси Бахтиёр Йўлдошевга турмуш ўртоғи

Одинахон ЙЎЛДОШЕВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:
Котибият — 233-49-93 uzas.gzt@mail.ru
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош муҳаррир Сирожиддин САЙИИД

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 23.55

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 3413. Буюртма Г — 982. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.
ISSN 2181-614X